

63.3

Ж 98

Екубжон Хўжамбердиев

ОЙНИНГ ЁРУҒ КУНЛАРИ




63.3(59)8
X-98

ЁҚУБЖОН ХЎЖАМБЕРДИЕВ

ОЙНИНГ ЁРУҒ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2011



Хурматли китобхон!

Қўлингиздаги рисола Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятида биринчи раҳбар бўлиб ишлаган 1986–1989 йиллардаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

Рус тарихчиси Николай Карамзин: «Энг чиройли сўз, агар у ўйлаб топилган бўлса, тарихни бузади», — деган эди. Тарихни бузмаслик учун биз мазкур рисолани ёзиш давомида кўпроқ Ислом Абдуғаниевич билан ёнма-ён ишлаган, у киши билан учрашган, суҳбатлашган кишиларнинг сўзларидан фойдаландик. Бу ўринда ўша суҳбатдошларимиздан бири Муҳаммади ота Рўзиевнинг айтганлари диққатга сазовор: «Одамлар ўзлари гувоҳлигида бўлиб ўтган воқеаларни қизғин ёдга олишлари ўша йилларда вилоятда юз берган иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар жараёнида Ислом Каримов ёнида минглаб, юз минглаб оддий қашқадарёликлар ҳам камарбаста бўлганидан, Президентимиз истиқлолнинг ўтган 20 йилида амалга оширган буюк ишларида бутун бир халқ унга таянч бўлганидан нишона». Ўйлаймизки, бу гапларга қўшимча қилиш ортиқча. Қолганига эса китобни ўқиб баҳо берарсиз.

X 4702620204–34
M25(04)–11

ISBN 978-9943-04-152-3

© «Маънавият», 2011

I. ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Шунақаси ҳам бўларкан. Ўзим тушган поезднинг Қарши шаҳрига тунги соат уч яримда етиб боришини унга чиққанымдан кейингина билдим. Маълум бўлишича, мазкур улов – Тошкент–Термиз поезда Қаршидан тунда ўтар экан. Тонг отгунча вокзалда ўтириб чиқишимни ўйлаб, юрагим сиқилди... Ҳамроҳим, Тошкентдаги «Минерал сувлари» санаториясида дам олиб қайтаётган Шерали исмли йигит аҳволимдан бохабар бўларкан деди:

– Юракни кенг қилинг, кутиб олишга одамларингиз бўлмаса, бизникига борамиз. Шаҳардан кўп олис эмас қишлоғимиз. Ерқўргонни эшиттандирсиз? Уша атрофда. Билсангиз керак, Қаршини қадимда Нахшаб деб айтишган экан. Ерқўргон – ана шу Нахшабнинг ўрни бўлган. Одамлар бу шаҳарнинг Искандар Зулқарнайн томонидан босиб олинishi ҳақидаги ривоятларни ҳали-ҳанузгача ҳикоя қилиб юришади...

Дарҳақиқат, Қарши воҳаси ва бу ердаги қадим Ерқўргон ҳақида ҳамроҳим айтган бундай ривоятлардан кўплаб эшитиш мумкин. XX

асрнинг 70-йилларида олиб борилган археологик қазилмалар эса Ерқўргон ҳақидаги ривоятларнинг асл манбалари мавжудлигини тасдиқлади. Таниқли қадимшунос Рустам Сулаймоновга кўра, Ерқўргон ўз даврида бутун жанубий Сўғдиёнанинг пойтахти бўлган. Тарихчиларнинг маълумот беришича, Зарафшон ва Қашқадарё вилоятлари Сўғдиёнанинг марказини ташкил этиб, бу ерларда ислом дини келгунга қадар ва ундан кейин ҳам сўғд халқи яшаган. Хусусан, Александр Македонский қўшинларига қарши сўғдийлар Спитамен раҳбарлигида аёвсиз жанглар олиб борган.

Сирасини айтганда, Қарши шаҳрининг илк ўрни – Ерқўргонда топилган воҳа ҳукмдорининг саройи, шаҳар эҳроми, даҳма, мақбара, кулоллар, темирчилар ва бошқа ҳунармандлар маҳаллалари қолдиқлари, типратикан шаклидаги олтин кулон, ўнлаб маъбудаларнинг ҳайкаллари, Ерқўргон ҳукмдорининг муҳри (унга қўлида қадимдан ҳокимият рамзи бўлмиш қамчи тутиб, аждаҳо устида ўтирган подшоҳ тасвири туширилган) ва бошқа юзлаб археологик топилмалар мазкур шаҳар нафақат буюк пойтахт, айти пайтда Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи робита, дунё халқлари динлари, урф-одатлари ўзаро муносабатларга киришган йирик маданий марказ ҳам бўлганини исботлайди.

Модомики олимлар: «Инсон рамзлар яратувчи бўлиб, Парвардигорнинг мўъжизаси» дейишар экан, унинг ҳар бир босган изидан нишон – рамз қолади. Ерқўргон қадим аждодларимиздан қолган ана шундай олий маданий ва маънавий нишондир. Бу нишон халқимиз тилидаги «Оққан дарё оқаверади» деган нақлнинг амалдаги исботи сифатида ҳам жуда қадрли. Ушбу нақлнинг нақадар ҳаётий эканини халқимизнинг хуш-нохуш воқеаларга тўла босиб ўтган йўли – кечмиши ва фаровон бутуни ҳам тўла тасдиқлайди. Шу боис, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ўз китобларида, маърузаларида олиму фузалолар, улар қолдирган маънавий мерос, маданият ёдгорликлари, кўҳна тарихий обидалар ҳақида тўхталаркан, халқимизнинг асл табиатида мавжуд бўлган ана шундай илмий-маънавий салоҳият ва фазилатлар ҳақида гапирар эканмиз, «Оққан дарё оқаверади» деган нақл беихтиёр ёдимизга тушади, дея халқнинг бу ҳикматини тез-тез тилга олади. Чиндан ҳам, тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш ҳеч қачон тўхтамагани, халқимиз даҳосининг ўлмас тими-соли сифатида энг оғир ва мураккаб даврларда ҳам яққол намоён бўлганини эътироф этамиз.

Дарҳақиқат, шундай. Ерқўргоннинг кули кўкка совурилиб, ер билан яксон қилингандан кейин ҳам бу ўлкада қанча-қанча сувлар оқиб ўтмади. Қанча-қанча дарёлар кўмилиб, қанча-қанча кўмилган ерқўргонлар қайта тикланмади, дейсиз. Чингизхон босқини юртимизга, аждодларимиз бошига ўзидан олдинги босқинлардан ўн чандон, юз чандон огир жабр-зулм келтирди. Очилган дарёлар қайта кўмилди, тикланган ерқўргонлар вайрон қилинди. Орадан бир ярим асрдан кўп вақт ўтди.

«Бундан неча асрлар муқаддам баҳодир миллатим, ўлим ва қиргин, ноаҳил идора туфайли эзилмоқда эди, диёрма-диёр, вилоятма-вилоят парчаланиб, тартибли қўшин битган эди... Эдил қипчоқлари озарбойжонни, улар эса усмонлини, қошқарийлар ўзбекларни, хуросонийларни, яъни оға қардошини, қардош огасини танимас ҳолда эдилар. Жавонлигимда Кеш тўқайларинда бир барлос беги бўлиб юрган замонларимда миллатимнинг бу ҳоли кўнглимни доғли, кўзимни ёшли этарди... Шундан бутун куч-қудратимни эл-улусни бирлаштирмоққа, буюк Туркистонни ташкил этмоққа бағишладим!»

Амир Темур тилидан изҳор этилган юқоридаги фикрлардан Соҳибқирон бобомиз Кешда туриб бутун Туркистон, балки, ҳозирги тил билан айтганда, бутун бир Марказий Осиёнинг

кўмилиб кетган дарёларини тозалашга, бу ерларда шаҳарлар, кўркам қишлоқлар, серҳосил экинзорлар, бог-роғлар барпо этишга азм қилганини кўрамиз. Шундай ҳам бўлди: оққан дарё қайта оқди. Президент Ислон Каримов кўп бор таъкидлаганидек, тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Амир Темур даҳоси билан турли унсурлардан тозаланган дарёлар тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам фаровонлик, тинчлик рамзи сифатида салкам беш аср мобайнида миллат деган боқий дарахтни сугориб келди. Франциялик темуршунос Люсьен Кэрэн ўзининг «Амир Темур салтанати» китобида Соҳибқиронни «XV аср тақдирини ҳал қилган инсон» сифатида тақдим этади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров айтганидек, ўша давр нуқтаи назаридан қараганда, Амир Темур Европа ва Осиёнинг энг катта қисмини эгаллаб олган Чингизхон империясининг жабру зулмидан аввало ўз ватанини, сўнгра Хуросон, Эрон, Озарбойжон, Россия, Украина каби мамлакатларни халос қилгани

чиндан ҳам унинг XV аср тақдирини ижобий томонга қараб ўзгартира олган улуг сиймо бўлганини кўрсатади. Айни пайтда у Болқон ва бошқа Европа мамлакатларини Йилдирим Боязид тажовузларидан қутқаргани унинг аср тақдирини ҳал қилган даҳо инсон бўлганини яна бир бор исбот этади.

Ёш рус тарихчиси Михаил Арнольдовнинг Москва матбуотидан «Тафаккур» журналада кўчириб босилган «Бир муҳораба сири» мақоласида келтирилган далиллар ҳам ёзувчи П. Қодировнинг фикрларини тўла тасдиқлайди. М. Арнольдов, жумладан, шундай ёзади: «Куликова майдонидаги жангдан кейин... юз йил давомида Россия бирор марта ҳам Олтин Ўрда билан йирик тўқнашувга борган эмас. Аммо бу вақт ичида Олтин Ўрданинг ўзи тор-мор бўлиб, тарих саҳнасидан гойиб бўлди. Бундан чиқдики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз озод қилган экан-да? Ким у жўмард? Ким бўларди, айни ўша зот – кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган «буюк ва шафқатсиз» Амир Темур бизни озод қилган. Тўғрироғи, Олтин Ўрда зулмидан озод бўлишимизга олиб келган».

Амир Темурнинг халқимиз ва бошқа халқлар мустақиллиги учун олиб борган курашлари ҳақидаги бундай эътирофларни кўплаб келтириш мумкин.

Кейин-чи, деган ҳақли савол туғилади.

Кейин... Амир Темури йўлини очган дарёларни, кўзини очган булоқларни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан кўмдик. Ўзимиз мансуб бўлган халқнинг «Бўлинганни бўри ер» деган мақолини яхши билган ҳолда, хонликларга бўлиниб яшадик. Соғуний домла «Туркистон қайғуси» китобида ёзганидек, яқин ўтмишимизда ҳам жирканчли иттифоқсизлик сабабли ўз давлатимиздан ажрадик. 1840 йиллардан бошлаб руслар Ўрта Осиёни истило қила бошладилар. Бу ерда учта хонлик бор эди: Бухоро амирлиги, Ҳўқанд ва Хива хонликлари. Оврупада илм-маданият тараққий қилиб, бутун инсоният оламига уйғониш ёғдусини соча бошлаган бир даврда бу хонликлар хурофот ботқоғига ботиб, жоҳилиятнинг ниҳоясига етган эдилар... Ўқиш-ўқитиш ишлари ўрта асрдагидан фарқи йўқ эди. Етарлик иқтисодий бойлик мавжуд бўла туриб, давлатнинг муҳофаа ишларига ҳеч қандай аҳамият бермадилар. Аскарний тартиб шу эски усулда бўлиб, низомий тартиб киргизилмаган ва замонавий қуроғлар йўқ эди. Бундай онгсиз ҳукуматнинг инқироз бўлиши табиийдир. Булар Ватан ва миллат олдидаги энг кечирилмас айбдор одамлар, чунки давлатларини инқирозга, миллатларини қулликка, Ватанларини хорликка олиб келдилар...

Алихонтўра Соғуний таъкидлаган кўргиликлар, айниқса, Шўролар иттифоқи замонида янада бўртиб намоён бўлди. Большевиклар ҳукумати қарор топган кундан эътиборан нафақат миллий ва диний ҳақларимиз, шунингдек, инсоний ҳуқуқлардан ҳам бутунлай мосуво бўлдик. Чор ҳукумати даврида гарчи мустақил давлатимиздан ажралган бўлсак-да, аммо, миллий, диний урф-одатларимиз ҳар қалай ўз қўлимизда эди. Большевиклар эса ҳамма нарсамиздан маҳрум этди. Сталин қатагонлари пайтида халқимизнинг энг илғор олим ва шоирлари, миллатсевар кишилар қатл этилди.

Шу жойда бир мулоқаз. Қатли ом этилган кўплаб юртдошларимиз, жумладан, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби улугларимиз ҳақида қайта қуриш ва мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ёзилган баъзи мақолалар ва чиқишларда «улар шўро ҳукуматига ҳеч бир ёмонлик қилмаган, бегуноҳ бўлишган», қабилидаги фикрларни ҳам эшитдик. Аслида-чи?

Аслида улар «гуноҳкор» бўлишган. Зеро, уларнинг асарлари таг маъносида мустақиллик, миллатпарварлик, озодлик туйғулари, халқнинг аянчли тақдири ҳақидаги қайгулар барқ уриб турган. Бу эса совет ҳукумати наздида кечирилмас гуноҳ саналган. Агар биз уларни «ҳеч

бир айбсиз ўлдириб юборилган» десак, бу фидойиларга нисбатан маломат қилган, уларнинг ҳуррият ва истиқлол йўлидаги фаолиятини оёқ ости этган бўламиз. Афсусланарли жойи шундаки, тарихнинг ҳамма чиркин даврларида фазилатлар гуноҳ саналган. Инсоният ҳаётининг энг катта фожиаси ҳам балки шудир...

Шундай қилиб, Амир Темур замонларидан кейинги бўлинишлар, ўзаро тахт талашишлар оқибатида бир бутун Туркистоннинг уч хонликка биқиниб олиб, дунё тараққиётидан орқада қолгани етмаганидек, чор Россияси ва большевикларнинг юртимизда ҳукмфармолик қилган бир ярим асрлик даври иқтисодиётни издан чиқарди, маънавиятимизга мислсиз даражада путур етказди.

Шарқ маданияти, тамаддуни, фалсафаси билан шуғулланган олимлар фикрига кўра, Шарқ тамаддуни дастлаб кучли ривожлангани ҳолда кейинчалик аста-секин таназзулга юз тутган. Жумладан, Марказий Осиё маънавияти ривожланиши тарихида ҳам XII аср охиридан бошлаб XV асргача, Улутбек ва унинг сафдошларига қадар Форобий, Хоразмий, Беруний ва Ибн Синога тенг илм-фан даҳолари чиққани йўқ.

Президент Ислом Каримов бу каби тарихий ҳодисаларга баҳо бериб, авваламбор, юрт

ҳукмдорлари ва амалдорлари халқнинг тақдир ва келажаги ҳақида қайгуриш ўрнига ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб, жаҳолат ва гафлатга берилиб кетиши оқибатида биз бутун яшаётган минтақа умумбашарий тараққиёт жараёнларидан узилиб, ривожланишдан кескин орқада қолиб кетди, дер экан, мутлақо ҳақиқатни баён этади.

Тарих гилдираги эса тинимсиз айланади. Ҳар айланганда бир дарё очиб, бошқа бир дарёни қуритади. Бироқ ўша дарёларнинг сувлари тоза бўлса, ҳаётбахш бўлса, тарих уларни ҳар қанча кўмиб ташламасин, Ерқўрғон каби оқиб чиқаверади, Улутбекнинг, Али Қушчининг устурлоби каби яшайверади, Амир Темур тузуклари сингари нафақат олти асрлик авлодга, айни пайтда, бутунги ва келажак наслларга ҳам адолат ва маърифатдан умри боқий сабоқлар бераверади. Ҳа, гап дарёда эмас, балки унда оқаётган обихаётда!

Тарихдан маълумки, туркий қавмлардан чиққан Амир Қазагон Чигатой авлодларидан бўлмиш Қозон Султонга қарши курашади. Бўлиб ўтган жангларда эндигина йигирма ёшдан ўтган Амир Темур ҳам иштирок этади. Бироқ орадан бирмунча вақт ўтгач, Чигатой улусига хон бўлган Қутлуг Темур Туронга катта қўшин билан келиб, Амир Қазагоннинг Са-

марқандда ҳоким бўлиб турган Абдулла исмли ўглини қатл эттиради. Ўша пайтлари Амир Темур Кешда эди. Амир Қазагон тарафида туриб чингизийларга қарши курашган кўплар, жумладан, Кеш ҳокими, Темурбекнинг амакиси Ҳожи Барлос ҳам юртни ташлаб кетади. Мана шундай қалтис вазиятда ҳам Амир Темур ўз юртини ташлаб кетмайди. Чингизхон авлодларидан Илёсхўжа (Қутлуг Темурнинг ўгли) бошчилигидаги кўчманчилар Самарқанд ва унинг теваарак атрофидаги халққа чексиз даражада зулм ўтказадилар. Турли-туман солиқлар, ҳақоратлар аҳолининг тинкасини қурилади. Ёзувчи Пиримқул Қодировнинг ёзишига кўра, улар мусулмонларнинг никоҳидаги кўҳлик аёлларнинг номусига тажовуз қилади. Жабрдийдаларни ҳимоя қилмоқчи бўлган кишилардан етмиштасини ҳибсга олишади. Улар орасида саййидлар, юрт катталари ҳам бор эди. Ёш Темурбек бундай адолатсизликка чидай олмай, ўзига содиқ олтмиш йигити билан қамоқхонага бостириб бориб, жабрдийдаларни озод этади. Мўгул хони буни ўзига қарши исён деб билади. «Темур тузуклари»да келтирилишича, хон Темурбекни ўлимга буюради. Аммо, у буни пайқаб қолиб ўз атрофига маслақдошларини бирлаштириб, Самарқанддан чиқиб кетади. Мамлакат уламо ва фузалолари барча мусулмонларнинг

Темурбек ҳаракатига ёрдам кўрсатиши ҳақида фатво беришади. Бу ҳақда Амир Темурнинг ўзи шундай дейди: «Бу фатвони менга кўрсатганларидан кейин жангу жадал байрогини кўтариб, душман устига лашкар тортишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳақини золимлардан олмоқчи бўлдим».

Туркий эллар қавмидаги, Туркистон тарихидаги чингизийларга қарши курашдаги муҳим бурилиш – тўхтаб қолган дарёга сув бойлаш ана шундай бошланди.

Қайси бир донишманддан шундай ўқиганим бор: ҳукмдорларнинг гуноҳи ҳеч қачон унутилмайди. Бу гап ўчмас маънавий ибратдир. Мен ушбу айтилганларга «ҳукмдорларнинг қилган яхши ишлари ҳам» деган сўзларни қўшиб қўйишни истардим. Тарихдан маълумки, Рим императори Калигула ҳокимият тепасига келгач, бор-йўғи тўрт йил орасида гуллаб-яшнаб турган мамлакат қашшоқ подшоликка айланади. Бир йилнинг ўзидагина давлат хазинасидан икки миллиард етти юз миллион пошшойи танга ғойиб бўлади. Юнон тарихчиларининг маълумот беришича, Калигуланинг одамларни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. Римликлар устига солинган солиқларнинг сон-саноғи бўлмаган. Бой-бадавлат, нуфузли ворислар бош кўтариб қолишидан қўрқиб,

император уларнинг ҳаммасидан ўз фойдасига васиятнома ёздириб оларди. Кейин уларни жиноятчи, деб эълон қиларди-да, қатл эттириб юборарди. Ўзининг суюкли отини консул лавозимига тайинлаши эса, римликларни даҳшатга солади. Ниҳоят қонли тўқнашувлардан, қашшоқликдан тинкаси қуриган римликлар аҳмоқ императорни тахтдан четлатиб, қатл этилишига эришади.

Император Марк Аврелий эса Калигуланинг зидди эди. «Ўзим билан юзма-юз» номли йирик асар яратган бу инсон тарихда энг тўғрисиўз, адолатли файласуф подшоҳ сифатида яхши ном қолдирди, деб ёзишади муаррихлар у ҳақда.

Инсоният ўтмишида хулқ-атвори билан бири иккинчисига зид бўлган бу каби ҳукмдорлар кўплаб учрайди. Жумладан, Чингизхон босқинчи, деган номни олган бўлса, Амир Темур халоскор шарафига сазовор бўлди. Яқин ўтмишда большевиклар ҳокимиятини бошқарган Ленин, Сталин каби доҳийларнинг ҳам қўллари қонга ботганини кейинги 20 йиллик тадқиқотлар яққол намоён этди.

Буларнинг барчаси совет тузумининг қандай асосга қурилгани, қамоқхоналарда, сургунларда ҳалок бўлган юз минглаб инсонлар, миллатларнинг қатли ом этилган улуг фарзандлари тақдирини, қолаверса, жуда катта бойликларга эга им-

периянинг касодга учраши сабаблари ҳақида жиддий уйлашга одамни мажбур этади.


Ўзини таниган, халқнинг оғир моддий аҳволи ва пажмурда қилинган руҳиятини юракдан ҳис этган ижодкорлар, тарихчи ва публицистлар яратган асарларда бу сабаблар ҳамда улар келтирган оқибатлар баҳоли қудрат очиб берилди. Айниқса, большевикларнинг, кейинчалик КПССнинг калтабин миллий сиёсати туфайли шундай оғир яралар мерос қолдики, уларнинг касридан собиқ шўролар юртининг ҳали у, ҳали бу ҳудудда узоқ вақт қон томиб турди...

Мана шундай бир пайтда Кремлдаги чоллар ўрнини ёшлар эгаллади, «Горбачёв даври» деган палла бошланди. Асл негизини алақачон қурт кемириб бўлган тузумни гўё «қайта қуриб» эпақага келтириш илинжида бошланган бу ҳаракат «демократия», «ошкоралик» ниқоби остида бўғилиб турган бошбошдоқликлар, юзсиз радикализм каби иллатларнинг юзага тепчиб чиқишига олиб келди. Айниқса, миллий республикаларда ўтказилган «ошкоралик» сиёсати у ердаги халқларнинг иззат нафсини ерга уриш, ҳақоратлаш даражасига бориб етди. Марказ халқ орасида шундай фикрни юзага келтиришга уриндики, гўё СССРнинг барча муаммоларига фақат миллий республикалар айбдор эди. Гўё улар боқиманда, порахўр, талончи,

ўғри. Бундай сиёсатдан, айниқса, Ўзбекистон қаттиқ жабр кўрди. Устоз Озод Шарафиддинов айтганидек, бу «сиёсат»нинг оқибати жуда хунук бўлди, мудҳишлик жиҳатидан 37-йиллардан қолишмайдиган қатагонлар бошланди.

Катта минбарлардан туриб «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган афсоналар тўқилди. Бундай афсона, аслидан минг чандон бўрттириб айтилган гаплар телевизор экрани, газета саҳифаларига чиқаркан, камдан-кам одамгина буларнинг барчаси «қайта қуриш» гоаявий «пир»ларининг навбатдаги лўттибозликлари эканини пайқаш иш мумкин эди, холос. Бундай эртақларга чиппа-чин ишонадиган одамларнинг эса саноғи йўқ эди. Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарлари Марказга мўлтираб «интернационал раҳбар кадрлар» юборишни сўраганлари эса ҳаммасидан ортиб тушди. Шундоқ ҳам бош учини тополмаётган халқ чалғитилди. Наҳотки? — деб савол берадиган одамнинг ўзи анқонинг уругига айланди. Идорама-идора юриб сарсон бўлган минглаб одамлар гуруҳи пайдо бўлдики, уларнинг арз-додлари ҳеч жойда таяинли ҳал этилмас эди.

Республика иқтисодиётидаги аҳвол ҳам ўта оғир эди. Хўжаликларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми йилдан-йилга тушиб борди. Колхоз ва совхоз де-



ган ташкилотлар ўз умрини яшаб бўлган эди. Аммо марказдагилар ҳам, маҳаллий раҳбарлар ҳам буни тан олгиси келмасди. Бир сўз билан айтганда, бутун ўзбек халқининг тарвузи қўлтигидан тушиб, қўли ишга бормай қолган эди. Айниқса, ноҳақ «қама-қамалар» одамларнинг тинкасини қуритиб ташлади.

«Ўрмонга ўт тушса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади» дейди халқимиз. Бундай иш, бемаврид келган ташвиш республикадаги энг йирик вилоятлардан бири саналган Қашқадарё халқини ҳам эсанкиратиб қўйди. Қашқадарёлик Поён Равшановга кўра, «республиканинг ўша давридаги раҳбарияти кадрлар масаласида ёрдам сўрагач, кейинчалик «десантчи»лар деб ном олган, Ўзбекистоннинг шарт-шароитини, халқнинг менталитетини мутлақо билмайдиган, маҳаллий аҳолига тепадан туриб қарайдиган шахслар турли ўлкалардан келиб, масъул лавозимларни эгаллай бошлади. Қашқадарё вилояти ижроия қўмитасининг раиси А. Кадин ҳам Белгород шахридан келган бўлиб, ўзига ўхшаган ўн саккиз нафар «десантчи»дан бошқа ҳаммани ўгри, порахўр, муттаҳам деб биларди. Шу боис унинг «тозалаш» ўтказишдан бошқа дарди-фикри йўқ эди».

Дарҳақиқат, 1985 йилнинг бор-йўғи уч ойида вилоят раҳбарининг уч муовини, саккиз на-

фар бўлим мудир, шаҳар ва туман партия кўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят иж-роия кўмитаси раиси, унинг 4 нафар ўринбо-сари, масъул котиби, шаҳар ва район ижроқўм-ларининг 12 нафар раиси, вилоятдаги йирик ташкилотлар раҳбарларидан 27 нафари, 99 та колхоз ва совхознинг раис ва директорлари ишдан олиниб, уларнинг аксарияти жиноий жавобгарликка тортилгани ҳам юқоридаги факрларни тасдиқлайди.

Вилоят иқтисодиёти эса ачинарли аҳволда эди. Поён Равшановнинг 2003 йилда чоп этил-ган «Қашқадарё: истиқлол арафасида» кито-бида келтирилган маълумотларга кўра, 1984–1986 йиллар мобайнида вилоят давлатдан 700 минг тонна пахта қарз бўлиб қолган (шўро-вийлар қўлида қолган шўрлик тақдирнинг энди бу кўргилигини қарангки, ўша давлат ишлага-нингга яраша ҳақ тўламай, яна сени «қарздор» қиларди!). Сўнгги йилда 143 та хўжалиқдан 136 таси – қарийб 90 фоизи қолоқлик ва қарздор-лик ботқоғига ботирилган. Ҳосилдорлик эса ўртача 14 центнерданни ташкил этган.

Мана шундай оғир шароитда ўша пайтгача Министрлар Совети раисининг ўринбосари – Давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлаб келган Ислон Каримов вилоятга биринчи раҳ-бар бўлиб келди.

Бутун, орадан 25 йиллар ўтиб, шу вилоятда бошланган иқтисодий ислохотлар, одамларнинг турмуш шароитларида юз берган ўзгаришлар бутун республика миқёсида татбиқ этилган ва ўзининг юксак ижобий самараларини бергани яққол кўзга ташланиб турган бир пайтда гаройиб бир ўхшашликнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу соҳибқирон Амир Темур тақдири билан Ислом Каримов тақдири ўртасидаги ўхшашликдир. Яъни, ҳар икки тарихий шахснинг бир жойда – айнан Қашқадарёда инсонлар ҳаётини янги изга солишдаги, миллат руҳияти дарёсига биллурдек тоза обиҳаёт очишдаги муштаракликдир. Бу, албатта, Оллоҳдан.

II. ҚАШҚАДАРЁ МАКТАБИ: САБОҚ ВА ТАЖРИБАЛАР

«ЙИҒЛАЙ-ЙИҒЛАЙ ТҶУНЛАР ТИККАНМАН»

Тухмат дегани қандай сўз? У нимани англатади? «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да бу сўз шундай талқин этилади: «Тухмат – бировни айблаш ёки қоралаш мақсадида асоссиз даъво, бӯхтон».

Ҳар қандай одам тухмат балосига йўлиқаркан, карахт бўлиб қолади. Олдинга ташлаган қадами ҳам гўё ортга кетаверади. Тухмат шу даражада заҳарли ишқорки, у қалбни емиради. Мабодо тухмат балоси бир одамга эмас, бир гуруҳ одамга эмас, балки бутун халқ бошига ёгилса, унинг оқибати янада аянчлидир. Эслатилганидек, ўтган асрнинг 85–90-йилларида ўзбек халқининг бошига «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган тухмат балолари ёгилди. Ўзимдан чиққан боло, деганидек, минглаб кишилар битта-иккита шалтоқнинг касрига қолди. Энг ёмони шу баҳона бутун халқ ўғри-каззобга чиқарилди. Буни чет эллардан кимлардир келиб қилмади. Буни етмиш йил мобайнида ўзбекни эзиб ишлатиб, қонини сўрган, оғиз-

да «халқпарвар партия», амалда эса соф эксплуататор бўлган «ўзимизнинг Совет ҳукумати» қилди. Энг ачинарли жиҳати шундаки, халқимиз марказ матбуоти томонидан ҳақоратланиб, остонасигача экилган гўза орасида бошини кўтаролмай юрган бир пайтда, маҳаллий амалдорлар унинг қаддини тиклаш учун ҳеч бир иш қилмади. Аксинча, айтилганидек, марказдан «тоза кадрлар» сўраб, вазиятни янада огирлаштиришди.

Ҳали-ҳали эсимда. Ўша йиллари бир колхоз раисининг ишларини фош этувчи «Тўхтаб қолган вақт солномаси» ҳужжатли фильми Францияда намоиш этилди. Французлар ўша пайтгача ўзбекларни билишармиди ёки йўқ, бу менга қоронғу. Лекин улар Амир Темурни, Абу Али ибн Синони, Берунийни, Алишер Навоийни, Бобурни яхши билишлари ҳақида ўқигандим. Демакки, улар ана шу улугларимиз сиймосида бутун Ўрта Осиё халқлари ҳақида тасаввурга эга эдилар. Энг қизиги, ўша пайтда уларнинг бу тасаввури бизникидан кўра бойроқ, кенгроқ эди. Айтилган фильмнинг Францияда намоиш этилиши билан ана шу тасаввур кенглигида битта қора доғ пайдо бўлди. Йўқ, бу қора доғ ўша колхоз раиси «замонавий подшоҳ» бўлгани учун эмас (бундай «замонавий подшоҳ»лар Европанинг ўзида сон

мингта), йўқ, балки у ўзбек бўлгани, ўрта осие-лик бўлгани, шарқлик бўлгани учун кўзга яққол ташланди.

Ўз-ўзидан савол тугилади: мазкур фильмни чет элда намоиш этиш нега ва ким учун керак бўлиб қолди? У қандай жаҳоншумул аҳамиятга эгаки, чет эл томошабинига тақдим этилса? Бундан мақсад битта эди: «ўзбеклар иши», «пахта иши»ни бўрттириб кўрсатиш, Совет Иттифоқида қайта қуриш мана шундай «фош этиш» йўлидан бораётгани, демократик ўзгаришлар қилаётганини чет элликлар назарига тушириш эди. Бунда собиқ шўро ҳукумати бир ўқ билан икки қуён овлашни кўзларди: биринчиси, юқорида айтганимиздек, «қайта қуриш меваларини» кўз-кўз қилиш, иккинчидан, Марказий Осиёдаги ҳар жиҳатдан салоҳиятли, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва фойдали қазилмаларга бой бўлган Ўзбекистоннинг юзини шувут қилиб, Марказга янада маҳкамроқ боғлаб олиш эди. Ўша йилларда чоп этилган матбуотни варақласангиз, «ўзбеклар иши»га тааллуқли материалларга шу даражада кўп дуч келасизки, четдан қараган одам бутун Совет Иттифоқида юз берган иқтисодий-ижтимоий бўҳронлар ўзбеклар туфайли юз бермаганми-кан, деган шубҳага бориши ҳеч гап эмас эди. Аслида, бундай «шов-шув»лардан мақсад ҳам

тоза, чунки, яна қайтараман, бировнинг ҳақини еган эмасман».

Меҳринисо исмли аёлнинг ёзган хати эса нафақат ўқиган одамни, айти пайтда бутун жамиятни ҳушёр тортишга ундайди: «Районимизда юздан ортиқ киши «пахта иши», «ўзбеклар иши» билан қамалди. Уларнинг ҳар бирининг камида 4–5 тадан болалари бор, айримлариники ўнтадан кўп. Ана шунча бола ўртача 5–10 йил муддатга ота меҳридан маҳрум этилмоқда. Энди ўйлаб кўрайлик: бу болалар қандай одам бўлиб вояга етади? Улар мана шу жамиятдан, ҳокимиятдан бир умр нафратланиб ўтмаслигига ким кафолат беради?»

Адолат тарозиси бузилган эди!

Бир пайтлар Қаршида суҳбатлашганим Январ ака Иноятовнинг ана шу сўзларини эслайман. «Биргина Шаҳрисабз туманида 1058 одам терговга тортилган. Одамлар сарсон–саргардон. Худодан айланай, ўшандай оғир, халқнинг руҳи тушган бир пайтда вилоятга Ислом Каримов раҳбар бўлиб келди».

Зулфина опанинг «Иккинчи марта кирганимда мени мажлис аҳлига рўпара қилдилар...» деган гапи ҳушимга келтирди.

– Бу аёл Шодиев деган директорнинг хотини. Шодиев деб кўп эшитаман. Аммо, ўзини танимайман. У кишини сизлар яқиндан била-

сизлар. Келинлар, агар ўша одам яхши бўлса, ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилиб, унинг қамоқдан чиқишига ёрдам берайлик.

Бу гаплардан кўнглим кўтарилиб, «Агар хўжайиним қутулиб чиқса, ҳузурингизга олиб келаман», дедим. Ростдан ҳам орадан кўп ўтмай эрим қамоқдан чиқди. Бир кун ўтказиб, хўжайинимни олдимга солганча, обкомга бордик. Бу одамни раҳбарга олиб кираман, деб ваъда берганман, десам ҳам қоровулар ҳадеганда бизни киритишмай туришганди, ичкаридан бир тўп кишилар чиқиб қолишди. Улар бюро аъзолари экан. Эримни кўришиб, «Ие, ие, Шодиев-ку!» дейишганча, кўриша кетишди. Шундан кейингина бизни ичкарига қўйишди. Ислом ака бизни кўриши билан фаҳмладики, ёнимдаги ўша ўзи қамоқдан қутқарган Шодиев. Илгари кўрмаган-да. Хўжайинимни қучоқ очиб кутиб олди... (Кейинчалик бу манзарани «пахта иши» билан 11 йилга озодликдан маҳрум этилган Тўра ака Шодиев «Эшиқдан киришимиз билан югуриб келиб қучоқлаб, даст кўтарди. Баданимдан турманинг ҳиди кетгани йўқ эди» деб эслайди.)

«Сиздан миннатдорман. Энди уйимизга бориб бир пиёла чой ичасиз. Йиглай-йиглай Сизга атаб тўнлар тикканман» дедим. У киши рози бўлдилар. Аммо, халоскоримиз билан уйи-

мизда чой ичиш насиб этмади. Республикага раҳбар бўлиб кўтарилиб кетдилар...

Қамаши туманидаги собиқ «Ленин йўли» совхозининг директори, обком аъзоси Тўра ака Шодиев «пахта иши» билан қамалган юзлаб эмас, минглаб ўзбекистонликларнинг биттаси эди, холос.

– Ўша йили пахта планини 125 фоиз қилиб бажарган эдик, – дейди Тўра ака. – Шунинг ичида қўшиб ёзиш бор, деб айб қўйди. 3 ой КПЗда сўроқ қилишди. Айбловни тайёрлаб қўйишган экан. Суд бўлди. 11 йилга кесиб юборишди. Ўша йиллари ҳозирда қайта таъмирланиб музейга айлантирилган Одина масжиди турмахона эди. Турмага олиб бориб, бир хонага киритишди. Қарасам, камерада 17 нафар совхоз директори ўтирибди. Ҳаммаси билан битта-битта кўришдик. Бир сариқ юзли одам нарида чўзилиб ётган экан, унга қараб биронта ўрисни ҳам қамашибди-да, деганча нари кетдим. Бир пайт ўша одам ўрнидан туриб келиб:

– Тўра ака, мен билан кўришмадингиз-а, – деб қолди. Тикилиброқ қарасам, 33-совхоз директори Хайрулла Каримов экан. Шунақа, турмахонадаги аҳвол, ейиш-ичиш одамларнинг рангини ҳам олиб қўйган эди. Бир кун оиламдан хабар келдики, вилоятнинг янги раҳбари қабулига кирибди, деган. Ичимда аллақачон-

лар ўчиб қолган чироқ ёнгандай бўлди. Кўнглим равшан тортди. Шу орада бизни зонага чиқаришди. Ишлаб юрдик. Кўп ўтмай – 1988 йили озодликка чиқдик. Мен «пахта иши» билан қамалганлар орасидан биринчи бўлиб қутулдим. Келган кунимнинг эртасигаёқ, боя кампирим айтганидек, биринчи раҳбарнинг қабулига бордик. У киши мени танигандан кейин кучоқлаб, даст кўтарди. Ўшанда баданимдан турманинг ҳиди кетмаган эди... Кейин қайта суд бўлди. Партия билетимни қайтариб беришди. Очиқ қолган жойга эса «отпуск» деб ёзиб қўйишди. Бундай «отпуск» учун 45 минг сўмдан пул тўлашди. 1995 йилгача ширкат хўжалигида раис бўлиб ишладим. Ўша учрашувда Ислон ака бир гапни айтди: «Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу. Бундан кейин энди ҳаммаси яхши бўлади. Аммо умр йўлдошини танлашда адашмаган экансиз. Аёлингиз сиз учун кўп югурди...»

Мана шу бугунга келиб ўйлайманки, Ислон Каримов Қашқадарёга раҳбар бўлиб келгандан кейин кўп яхши ишлар амалга оширилди. Қурилишлар, ободонлаштиришлар дейсизми, қисқа вақт ичида пахта етиштириш кўпайди, саноатда янги мажмуалар ишга туширилди. Аммо амалга оширилган барча ишлар орасида битта энг муҳим иш қилиндики, бу – одамлар

кўнглига осойишталик, тинчлик, хотиржамлик-ни олиб кирди. Одамнинг уй-жойидан, бола-ларидан, қариндош-уруғидан, қолаверса, элу халқидан кўнгли тинч бўлсагина қўли ишга боради, егани ичига тушади. Ўшандагина деҳ-қончилик ҳам ривожланади, саноат ҳам ўсади. Қашқадарёда шундай бўлди. Шундан айтаман-ки, мана яқин йигирма беш йилдирки, биз ой-нинг ёруғ кунларида яшаяпмиз.

– Битта гап айтайми? Мен шахсан Ўзбекис-тонимизни Ислом акаси тасаввур этолмай-ман, – дейди 1985–1990 йилларда Касби туман халқ депутатлари ижроия кенгашининг раиси бўлиб ишлаб келган Мукаммал Мираков. – Президентимизнинг ҳамма иши бир бўлди-ю, аммо руҳи тушиб, нима қиларини билмай қол-ган одамларда келажакка ишонч уйғота олган-ни ҳам бир бўлди. Буни ҳам сўзи билан, ҳам амалий иши билан қилди. Ўйланг, Эшқулов деган бўлим бошлиғи бўлар эди. Бор-йўғи 3 ой бошлиқ бўлиб ишлаб, 18 йилга кесиб юбо-рилди. Бошқа бир бўлимнинг бухгалтери ҳам шунча йилга кесилди. Узоқ йилларга қамалган бригадирлар, табелчиларнинг эса саноғи йўқ эди. Уларнинг олдида ўн бирта, бўлмади дега-нида бешта фарзанд бор эди. Энди шунча одам-нинг қариндош-уруғлари, ака-ука, опа-син-гилларини бир жойга тўпласангиз, минглаб, ўн

минглаб кишини ташкил этади. Булар биргина Қашқадарёда. Республика бўйича қамалганларчи? Президентимизнинг Марказ идоралари билан олиб борган аёвсиз баҳс-мунозаралари, керак бўлганда дўқ-пўписалари, ёзишмалари оқибатида мана шунча одамнинг аксарияти нари борса 3–4 йил, бўлмаса 1–2 йилда қамоқдан озод бўлди. Бундай катта миқёсдаги ишни амалга ошириш учун одамда зўр матонат, шижоат бўлиши керак. Баъзан унда-мунда, айтийлик, ишсизлар бор, газ, электр етишмаяпти, ойликларимиз оз, сингари гап-сўзларни эшитсам, ўйланиб қоламан: шу юрт, шу эл учун ўзимиз нима қилиб бердик? Агар ўзимиз қазиб олган газни, электрни фақат ўзимиз ёқиб ўтираверсак, мамлакатнинг мудофааси, соғлиқни сақлаш, маориф-маданият ишлари нима бўлади? Хазинага валюта маблағи қаердан тушади? Ҳолбуки, эндиликда газ ўтказилмаган қишлоқлар жуда кам. Электр бормаган жой эса йўқ. Аммо халқда кўрпангга қараб оёқ узат, деган гап ҳам йўқ эмас. Ҳамма нарсани тежаб-тергаб ишлатмасак, эртанги авлодларимизга нима деб жавоб берамиз? Ишсизлик, маошлар ҳақида ҳам айтиш керакки, бугун ишлайман, бойлик орттираман, деган одамга дарвозалар очик. Аслида ўзимиз дангасамиз, ишбилармонлигимиз кам. Мактабларда, коллежларда

ўқишга жуда яхши шароитлар яратиб қўйилганига қарамай, ёшларимизни чуқур билим олишга, ҳунарни пухта ўрганишга ўзимиз – ота-оналар кенг жалб этмаяпмиз. Баъзилар бўлса фарзандига «Ўқиб нима бўлардинг, «фалончи ўқитувчи» бўласан-да, ундан кўра Россияга бориб пул топиб кел», деб гўдаяди. Президентимизнинг битта гапи бор: таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси.

У киши Абдулла Авлониининг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган сўзларини кўп бор такрорлайдилар. Бу гапларни шунчаки чиройли гап учун айтмайдилар. Бугун республикамызда таълим-тарбия, умуман ижтимоий соҳага давлат бюджетининг 50 фоиздан ортиғи йўналтирилаётгани ҳам ана шу айтилаётган фикрларнинг амалиётдаги исботи эмасми!

Биз ҳали Мукамал ака билан яна учрашамиз, у кишининг очиқ-ойдин фикрларидан баҳраманд бўламиз. Ҳозир эса ҳикоямизга қайтиб, Президентимизнинг ўша олис йилларда «пахта иши» билан қамалган кишиларни озодликка чиқариш йўлида олиб борган саъй-ҳаракатлари ҳақида сўз юритсак. Бу ҳақда Ўзбекистон Қаҳра-

мони Озод Шарафиддиновдан шуларни ўқий-миз: «Албатта, бунга эришиш осон кечмади — олий мақомга эга бўлган турли-туман идора ва мансабдор шахслар билан жанг қилишга, муттасил талашиб-тортишишга тўғри келди. Ҳақиқат букилар, лекин синмайди, дейдилар. Аммо букилган ҳақиқатни тўғриламаоққа киришган одамнинг бели синиши мумкин... Бу ишларнинг нечоғлиқ машаққат билан қилинганини кўрсатиш учун биргина мисол келтираман.

1990 йил 20 июлда Ўзбекистон Олий судининг пленуми «пахта ишлари» юридик жиҳатдан асосланмагани ҳақида қарор чиқарди.

1990 йилнинг 26 октябрида СССР Олий Судининг раиси бу қарорни бекор қилишни талаб этди.

1990 йилнинг 28 декабрида Ўзбекистон Олий судининг пленуми бу талабни рад этди.

1991 йилнинг 25 мартада нуфузли «Известия» газетаси тортишувга аралашди.

1991 йил 17 майда СССР Олий Судининг пленуми Ўзбекистон Олий суди пленумининг қарорини бекор қилди.

1991 йил 20 май куни Ўзбекистон Олий суди Илмий маслаҳат кенгаши бир гуруҳ етакчи ҳуқуқшуносларга мурожаат қилиб, улардан фикр сўрайди ва академик В. Н. Кудрявцев, профессорлардан С. В. Бородин, И. М. Галпе-

рин, Н. В. Радутная, И. И. Карпец, Ю. П. Касаткин Ўзбекистон Олий судининг қарори батамом тўғри экани ҳақида фикр билдиришади.

Бу – ўзбек халқини бадномликдан қутқариш йўлида олиб борилган мислсиз жангнинг бир лавҳаси эди, холос. Шу курашнинг бошида унинг ташкилотчиси ва илҳомчиси сифатида Ислом Каримов турди».

Назаримизда иқтибос чўзилгани учун узр сўрашга ўрин йўқ. Зотан, биз ушбу иқтибосдан ва умуман рисоламизнинг ушбу бўлимидан келиб чиқадиган мантиқий хулосалар халқимиз томонидан алақачон тан олингани учун ҳам (буни Мукаммал аканинг сўзлари ҳам исботлаб турибди) Озод аканинг сўзларини давом эттиришни маъқул кўрамыз: «Мустақиллик йилларида Президентимиз она юртимизнинг истиқболи йўлида бир-биридан улуг, бир-биридан муҳим кўп ишлар қилди. Мен улардан биронтасини камситмаган ҳолда, Ислом Каримовнинг юртбоши сифатида қўйган биринчи қадамини энг қутлуг қадам деб, ўзбек халқини маломатдан қутқариб, унга тинчлик ва хотиржамликни қайтариб берганини энг улуг жасорат, тенгсиз бир қаҳрамонлик деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам бутун юртимиз бу фидоий инсоннинг ана шу буюк хизматини эътироф этади ва юксак қадрлайди».

Бу гапларга ҳар қандай қўшимча киритиш ортиқча. Фақат бир гап шуки, халқни туҳмат ва маломатдан қутқариш, унинг ҳурматиини жойига қўйиш борасида дунёдаги энг савобли иш ҳам бошқа жуда кўплаб хайрли ишларнинг дебачаси сифатида Қашқадарёдан бошланди.

III. ДОНИШМАНДНИНГ ТАНДИРИ

Тепаликлар. Гир айланаси ҳозирги ўлчов билан чамаланганда ярим, салкам бир гектарли тепаликлар. Агар Қашқадарё вилоятига йўлингиз тушган бўлса, ўнлаб, юзлаб бундай манзарага дуч келгансиз. Ва, албатта, «Булар қандай тепаликлар экан?» дея қизиққанингиз табиий. Шу пайтгача бизга уларни «қоровул тепалар» деб тушунтириб келишди. Эмишки, юртни ёғий босганда қоровулар ана шу тепаликларга чиқиб, гулхан ёқиб бир-бирларига хабар бераркан... Ваҳоланки, мамлакатимизда топилган кўплаб қадимий иншоотларнинг аксарияти ана шундай тепаликлар остидан чиққан...

Буюк «Авесто»да эса ҳар қандай жасад ерни ифлос қилмаслиги, сувни булғамаслиги, ўт-ўланларни заҳарламаслиги лозимлиги айтилади. Бошқача айтганда, зардуштийлар ўзлари экин экиб, деҳқончилик қиладиган ерларини, тупроқни муқаддас деб билган. Шу боис ҳам улар ўз ҳовли-жойларини мана шундай тепаликлар устида қуришган. Қашқадарёлик олим Абдурахим Эркаев бу тепаликлар қачонлар-

дир, зардуштийлар даврида бир уруғ ёки бир оила яшайдиган қишлоқлар бўлган, деб фараз қилади.

– Агар тепаликнинг устидаги тупроқни қўл билан сидириб ташласангиз, остидан минг йилларнинг ёгин-сочинлари из солиб, ўйиб ташлаган тарих қатламларига дуч келасиз, – дейди олим.

Менинг хаёлимдан эса Қашқадарё ҳам жаҳон айвонида юқоридаги каби бир Улуғ тепалик, деган фикр ўтади. Унинг устини очган сари қадим даврлардан тортиб кечаги кунимизгача бўлган тарихнинг яхши-ёмон, хуш-нохуш эврилишларини, инсон деб аталган буюк зотнинг бу эски дунёни ҳар сафар қайта «кўкартириш» борасидаги сабр-тоқатию матонати, ақл-идроқига гувоҳ бўлиш мумкин.

Яқинда газета таҳламларини варақлаб ўтириб, собиқ СССР Министрлар Советининг раиси Николай Рижковнинг шундай сўзларига кўзим тушиб қолди: «Совет Иттифоқида етарли ва кам таъминланган оилаларнинг даромади ўртасидаги фарқ 4,5 марта эди. Бизни кўп болалик Ўрта Осиё ортга тортиб турарди. Ахир даромад жон бошига ҳисобланар эди-да».

Бу сўзлар ўша олис 80-йилларда эмас, куни кеча, 2009 йилда ёзилган. Серфарзанд Ўрта Осиё (Ўзбекистон деб ўқинг – муаллиф) собиқ

СССРнинг собиқ раҳбарларини бутунгача ҳам тинч қўймаётгани одамни ҳайрон қолдиради. Улар ҳамон Совет империясини «боқиманда республикалар», кўп болалик Ўрта Осиё тарқатиб юборган, деб юришади, шекилли. Агарки, ўшандай мустабид тузумни бизнинг болаларимиз вайрон қилган экан, уларга ҳайкаллар қўйиш лозим...

Рижков «домла»нинг сўзлари ёдимга қашқадарёлик суҳбатдошларимиздан бири айтиб берган воқеани солди. Унга кўра, Ислом Каримов ўша пайтда собиқ Иттифоқ энергетика ва электрлаштириш вазири А. Майорец билан бирга Таллимаржон ГРЭСи қурилишини кўриш учун бораётган бўлади. Қайтишда Марказдан келган вакил вилоят раҳбарига «Шу қурилиш учун бир эшелон цемент ажратганмиз. Цементни Ўролга жўнатамиз. Сиз эса олдик, деб қўл қўйиб берасиз», дейди. Шунда Ислом Абдуганиевич «Нега?» деган саволни беради. Бу цемент ўзимиз учун ҳам зарур, дейди. Бу гапга москвалик вазир қурилиш материаллари бу ерда аҳолининг қўлига ўтиб кетяпти экан, деб жавоб беради. Вилоят раҳбари шу пайт шофёрга қараб, «Машинани қишлоққа бур» дейди. Машина чанг-тўзон кўтариб қишлоқ кўчалари оралаб кетади. Бир жойда уйнинг деворига лой қораётган одамларни кўриб, шофёрга ўша

жойда тўхташни буюради. Машина тўхтагач, Ислон Абдуганиевич вакилга қараб, мана, бизнинг аҳволимиз, агар цемент бўлса, одамлар лойдан уй қурармади, сиз нима деяётганингизни биласизми ўзи, дейди. Ўзининг гапидан Ислон Абдуганиевичнинг қаттиқ жаҳли чиққанини сезган вазир бир оғиз ҳам эътироз билдиrolмайди.

Ўша сафарда А. Майорец билан бирга КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими ҳам бўлган. Вилоят раҳбарининг собиқ шофёри Суюн Сувонов ҳикоя қилишича: «Кечга томон Марказқўмнинг масъул ходими зудлик билан Москвага қайтиши зарурлиги ҳақида кўрсатма келди. Ислон ака ўз ўринбосарини ва мени чақирди-да, масъул ходимни тезда Қаршига олиб бориб, Марказга жўнатиш лозимлигини уқтирди.

Биз яна вилоят марказига қараб йўл олдик. Йўлда кета туриб меҳмон айтган гап ҳамон ёдимда:

– Ҳатто Россиядаги йирик ўлкаларнинг крайкомлари ҳам бу вазирнинг раъйини қайтара олмайди, – деган эди у. – Сизларнинг обком ўткир одам экан, бояги воқеа менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Биз турли гап-сўзга ишониб, сафсаталар таъсирида юрган эканмиз. Ҳақиқат бошқача экан. Афсуски, шуни кўрса-

тиб беришга кўпчилик раҳбарларда журъат етишмайди...»

Президентимиз Қашқадарёда ишлаган йиллари юрт учун, эл учун Марказ ҳамда республика раҳбарлари билан жуда кўп марталаб таллашиб-тортишгани маълум. Бу ҳақда 1985–1991 йилларда Косон тумани ижроия қўмитаси раиси бўлиб ишлаган Нормурод Оллоёров шундай эслайди: «Ислом Абдуганиевич Қашқадарёга биринчи раҳбар бўлиб келган пайтлари пахта якка ҳокимлиги авжида эди. Вилоятнинг пахта планини 600 минг тоннага ошириб қўйишганди. Уни камайтириш масаласини вилоятимиз раҳбари Марказ ва республика бошқаруви олдига жуда кўп марталаб қўйганидан хабарим бор. Бир куни у киши қўнгироқ қилиб, КПСС МКнинг сектор мудир Истомин билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмонхўжаев келиш-япти, ернинг ҳақиқий аҳволини билишмоқчи, дедилар. Ўша пайтлари планни бажариш учун тўла ўзлаштириб бўлинмаган ерлар ҳам планга киритиб юборилар эди. Натижада бундай ерлардан олинган пахтадан катта иқтисодий зарар кўриларди. Комиссияни Косон тумани Бобур номидаги хўжаликка олиб бордик. Ерларни кўрсатдик. Шунда Ислом Абдуганиевич Усмонхўжаевга қараб, мана, ернинг аҳволи, ме-

лиорация издан чиққан, ирригация ишлари чала, бу аҳволда қандай қилиб бу ердан 30 центнердан пахта режалаштириш мумкин, деб дадил гапирди. Усмонхўжаев ҳам раҳбарлигини пеш қилиб, унинг сўзларига эътироз билдирди. «Бу ерларнинг аҳволи учун вилоят раҳбари сифатида сиз жавоб беришингиз керак», деган мазмунда гапирди. Шунда Ислом ака шартта унга қараб: «Кечирасиз, бундай аҳвол учун аввало сиз жавоб беришингиз керак, чунки бу ерлар ўзлаштирилганда сиз Тошкентдан юборилган вакил сифатида бу ишларга бош-қош бўлгансиз», дедилар.

Орада тортишув бўлиб кетди. Шунда Москвадан келган вакил уларга қараб: «Ребята, хватит спорит» деди ва машинага қараб юрди. Шу йили вилоятнинг пахта планидан 50 минг тонна олиб ташланди. Бу воқеа 1987 йил апрель-май ойларида бўлиб ўтганди».

Қашқадарёда раҳбар бўлиб турар экан, Ислом Каримов кўп болалик Ўзбекистонни ана шу тариқа ортиқча меҳнатдан, ташмачи деган маломатлардан асрай олди. У юрса-турса одамларнинг турмуш тарзини яхшилаш, қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартириш борасида жуда кўп ўйлар эди.

— Бир куни яна қўнгироқ қилиб қолдилар, — деб давом этади Нормурод Оллоёров. — Бу киши

ишчилар комитети билан шартномани ва ўша кунги пахта йигим-терим тўғрисидаги сводкани сўрадилар. Шартномани қараб чиқиб: «Шунга амал қилиш керак, адашмайсизлар» деди. Кейин сводканинг энг охирида турган бригадага бордик. У ерда пахта тераётган механизаторлар билан суҳбатлашиб, уларнинг дафтарчалари билан танишди. Сўнг қишлоққа қараб юрдик. Қишлоқ бир аҳволда эди. Тўкилиб турган уйлардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Шароитни кўриб туриб:

– Ижроқўм, сенинг ишинг ноль, – дедилар. – Сен ободончилик билан шугуллан. Қишлоқ хўжалиги ўз йўлига, унга жавоб берадиганлар кўп. Одамларнинг турмуши, уй-жойларига жавоб берадиган одам йўқ...

Ана шу суҳбатдан кейин орадан кўп ўтмай, декабрь ойининг охирида Ислон Абдуғаниевич вилоятимизга биринчи раҳбар бўлиб келдилар. Келганларидан кейин бир ҳафта ўтиб, катта йигилиш қилдилар. Ўшандаги Ислон аканинг бир сўзлари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

– Қашқадарёда турли маъданлар, ер ости бойликларининг кўплигини билардим. Пахта хирмонининг улуглигини ҳам кўргандим. Аммо, бу ерда нафақат вилоятни, айти пайтда бутун республикани кўтаришга қодир кадрлар борлигини ҳам кўриб қувондим.

Бу сўзлар «пахта иши» билан боши эгилиб қолган ҳар бир қашқадарёликка қанот бўлди, бутун вилоятга руҳ багишлади. Орадан бир қанча вақт ўтиб Қарши туманида шлакоблокдан монолит уйлар қурилаётган жойда семинар ўтказдилар. Ўша йили ана шундай уйлардан 50 тасини Касби туманида ҳам қурдик. Ўша уйларда ҳозир одамлар яшашяпти. Бундан ташқари, бир кун келдилар-да, бутун районда аҳолининг ўзи қураётган уйларни рўйхатга олишни буюрдилар. Кимнинг девори битиб, ёғоч билан шиферга қараб қолган, қайси бири эса пойдевор бошлагану цемент етмаяпти, бошқасининг эса девор ургани гишти йўқ – шуларнинг ҳаммасини аниқлашни топширдилар. Буни аниқлаганимиздан кейин индивидуал уй-жойлар учун ҳам қурилиш материаллари етказиб бериш йўлга қўйилди. Қурилиш материалларининг нархи, уйлари қачон бошланиб, қачон битишининг ҳаммасини биринчи раҳбарнинг ўзи назорат қилиб борди. Энг қувонарлиси, қишлоқларда ва район марказларида бундай оммавий равишда уй-жойлар қуриш, ободонлаштириш ишлари бутун вилоятда амалга оширила бошланди.

Дарҳақиқат, 1987–1989 йиллар мобайнида бутун Қашқадарё вилояти қурилиш майдонига айланди. Бош план асосидаги қурилишлар ҳам,

ўн йиллар мобайнида 4 сотих жойда тиқилиб қолган оилаларга уй қуриш учун томорқалар ажратиш ҳам Қашқадарёдан бошланди. Вилоятда 23 минг гектар суғориладиган ер аҳолига томорқа учун бўлиб берилди. Аммо буларнинг ҳаммасидан аввал, юқорида айтганимиздек, бузилган, топталган адолатни тиклаш лозим эди. Ислон Каримов ишни ана шу муаммо ечимидан бошлагани нафақат қашқадарёликларда, айти пайтда республиканинг бошқа жойларида ҳам умид учқунларини тугдирди. Уй-жойларигина эмас, шунингдек, кўкси ҳам тўкилиб қолган халқнинг қаддини тиклади. Бунга эса ҳар бир қашқадарёлик мисол бўла олади.

Адолатни тиклаш фақат қамалган ёки қамалиб чиққанларни оқлаш, уларни аввалги иш ўринларига тиклаш билангина чекланиб қолмади. Айти пайтда ижтимоий адолат, айтилик, деҳқон меҳнатига ҳақ тўлаш, деҳқончиликка янги муносабатларни жорий этиш, маъмуриятчилик йўли билан қўшилиб кетган колхозлар, қишлоқларни ўша ерлик аҳолининг хоҳиш-истаги бўйича жой-жойига қўйиш каби масалалар ҳам кун тартибига қалқиб чиқди.

Шаҳрисабз тумани «Нуроний» жамгармаси раиси Боқижон Эргашевнинг ёши саксондан ошибди. Аммо у ўзининг гап-сўзлари, қадам

олишлари билан унча-мунча эликбойни йўлда қолдиради.

– Кечагина бир гуруҳ отахонларимиз Бухорои Шарифни зиёрат қилиб қайтишди, – дейди Боқижон ака. – Уй, укаларим, бутун ёши етмишдан тепадаги кишилар ҳаётида нима кўришди? Айни қирчиллама умрлари меҳнат билан ўтди: қора қозони қайнаганига шукур қилишди. Бутунгидек дангиллама уйлару бояғидай «Нексия»лар уларнинг тушига ҳам кирмаган. Эрта тонгдан дала-қир, тушлиқда белбоғига тугилган битта нон, яшаш жойлари пахса уй бўлди. Энди кўришсин.

Боқижон ака бир зум жиддий тортиб, деди:

– Сизларга бир ривоят айтиб берай. Қадимда бир донишманд ўтган экан. Ўлими олдидан яккаю ягона фарзандини олдиға чақириб, шундай насиҳат қилибди: «Ўғлим, мабодо турмушда қийналиб, уй-жойни сотмоқчи бўлсанг, аввал, анави тандирхонани бузиб ташлаб, қайта қурганингдан кейингина ҳовли-жойни сотгин». Қария шундай деб, бир кун омонатини топширибди. Орадан йиллар ўтиб, фарзанд ростдан ҳам ҳовли-жойни сотишға муҳтож бўлиб қолибди. Шунда ўйланиб: бир пайтлар отам, уй-жойни сотишдан аввал тандирхонани бузиб, қайта қургин, деб насиҳат қилган эди. Қани, ўша ишни қилай-чи, кейин уйни сотиш қочмас, деб тўки-

либ қолган тандирхонани бузиб ташлабди. Бузишга бузибди-ю, қуришга ўйлаб қолибди. Битта тандирхона учун қанча тош, кесак, ёғоч керак бўлибди. У ёққа чопибди, бу ёққа чопибди, ахир бир кун тандирхона биттач, отасининг насиҳати магзини чақибди: битта тандирхонага шунча ташвиш тортдим. Бундай катта ҳовли-жойни қуриш учун отам унча-мунча азият чекмаган экан-да, деб уни сотишдан воз кечган экан.

Демоқчиманки, укаларим, мана бу «Оқсарой» маҳалласи ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Сизларга битта гапни очиқ-ойдин айтадиган бўлсам, бутун Ўзбекистонда пайдо бўлган замонавий маҳаллаларнинг илк тажрибаси, яъни тандирхонани бузиб қуриш тажрибаси Президентимиз томонидан мана шу Қашқадарёдан, яна ҳам тўғрироғи, Шаҳрисабздан бошланган.

Огир йиллар эди. Ўша пайтлар Шаҳрисабзда Январ Инояттов райкомнинг биринчи котиби, мен эса ижроқўмнинг муовини эдим. Қашқадарё саксонинчи йилларнинг ўрталаридан бундай айтганда, «ўтириб» қолганди. Бу аҳволда нафақат уй-жой сотишга, «хайё-ҳайт» деб бошни олиб чиқиб кетишга ҳам тайёр эди, одамлар. Кўнгил тинч эмасди. Пахсадан тикланган ўнлаб қишлоқлар донишманднинг тандирхонаси мисоли тўкилиб қолган эди. Дехқончиликда унум йўқ. Одамларнинг қўли ишга

бормасди. Ислом Каримов ўша пайтда бу ерга биринчи раҳбар бўлиб келганларида умумий аҳвол ана шундай аянчли эди.

– Мана шу сизлар кўриб турган «Қўшқанот» қишлоғидаги маҳалла бундан 22 йил олдин қурилган, – дейди Боқижон Эргашев. – Ҳаммаси бош план асосида 50 та оила учун пишиқ гиштдан қурилган иморатлар. Қишлоқ Наби Ҳасанов деган ажойиб инсон раислик қиладиган жамоа хўжалигига қарашли бўлган. Наби ака фикри тиниқ, қўли гул, халқпарвар одам эди. Ислом Абдуганиевич бу ерга ҳар сафар келганларида, албатта, у киши билан учрашар, озгина вақт бўлса-да, суҳбатлашмасдан қайтмасдилар.

– Ҳозирда Амир Темур номи берилган хўжаликда вилоят котибининг иштирокида ўтган семинар ҳали эсимда, – дейди Январ ака Иноятов. – Айнан ўша семинарда янги замонавий уйлар қуриш, қишлоқларни бош режа асосида ободонлаштириш хусусида гап борган эди. Бу ишларни рўёбга чиқариш учун иқтисодий шароит ҳам яратилди. Икки ярим йилда пахта етиштириш 500 минг тоннага кўтарилди. Галла ҳосилдорлиги 40 центнерданни ташкил этди. Иқтисодиётни кўтаришда шахсий ёрдамчи хўжаликлар, ижара усулининг жорий этилгани қўл келди. Соғлиқни сақлаш, маориф тизи-

мида ўзгаришлар юз берди. Айниқса, вилоят саркотиби одамларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, қишлоқларда бундай муассасаларни қуришга эътиборни қаратди. Икки ярим йил ичида 44 та тиббий муассаса янгитдан қурилди. Вилоят диагностика маркази ташкил этилиб, бу ерга хориждан, республикада биринчи бўлиб, компьютер томографи олиб келиб ўрнатилди.

ОҚСАРОЙ ПОЙИДА

Суҳбат билан бўлиб Оқсаройга келиб қолганимизни ҳам сезмабмиз. Агар эътибор билан қарасангиз, Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабзда тикланган ушбу ҳайкал тимсолида бобомиз гўё ҳозиргина Оқсаройдан чиқиб келаётгандек.

– «Қудратимизни билмоқчи бўлганлар биз қурдирган биноларни кўришсин» деган битик айнан мана шу Оқсарой пештоқига муҳрланган эди, – деди ҳамроҳларимиздан бири. Бу сўзлар менга касбилик Раҳматжон Примовни эслатди.

– Вилоятда «Деҳқонлар кенгаши» тузилгани кечагидек ёдимда, – деган эди ўшанда Раҳматжон. – Ёш бўлишимга қарамай, ўша кенгашга мен ҳам аъзо бўлганимдан фахрланардим. Одамлар билан ишлаш, ҳар қандай масалага катта миқёсларда ёндашиш зарурлиги ҳақидаги Президентимизнинг ўғитлари, айниқса, ўша пайтдаги биз ёшларнинг қалбида бир битик мисоли ўрнашиб қолди. «Деҳқонлар кенгаши»нинг биринчи мажлисида асосан учта

савол қўйилди: қишлоқ хўжалигининг ўша пайтдаги аҳволи; қандай қилса бу соҳани кўтариш мумкинлиги ва бу борадаги тўсиқлар нималардан иборатлигини ҳар биримиздан бирма-бир сўраб чиқдилар. Кейинчалик вилоятда ташкил этилган иқтисодий ўқувлар, чек, пудрат усуллари жорий этиш каби деҳқончиликдаги янгиликларнинг барчаси ана шу деҳқонлар, кейинчалик эса пахтакорлар кенгашларида муҳокама этилиб, жорий этиш юзасидан бир қарорга келинарди. Пахтачиликда эришган ютуқлар учун «ГАЗ-24» автомобилнинг калитини менга шахсан Ислон аканинг ўзи топширган... Албатта, гап менинг мукофотта машина олганимда эмас, ўрни келиб қолгани учунгина айтдим. Мени ўша йиллардаги вилоятни бошқариш принципларининг урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиздан келиб чиққани, бир сўз билан айтганда, халқ кўнглига яқинлиги доим ҳайратга солиб келади. Инсон зоти шундай: яхшиликка дуч келса ҳам, ёмонликка тўқнаш бўлса ҳам «нега?» деган саволни қўяди. Балки, ҳар ким ҳам шундай қилмас. Аммо ўзини таниган, теварак-атрофни тушунмоқчи бўлган одам доим ўзига ўзи савол бериб яшайди.

Раҳматжоннинг қуёшда қорайиб, ажин тушган юзларига қарайман. Кечагина «совет колхозчи» исканжасидан қутулиб, фермерликни

бошлаган қорамағиз, аммо қалби оқ бу одамнинг мушоҳадалари кишини ўйга толдиради. У айтгандай ўз-ўзингга савол бера бошлайсан, одам... айтайлик, «Деҳқонлар кенгаши»га ташкил этилгандан ҳозиргача раислик қилиб келаётган олим Шодиёр Хўжаназаров галланинг янги навларини яратиш борасида тинимсиз изланишлар олиб бораётганининг боиси нимада? Ёки «The West star» наслчилиқ хўжалигининг раҳбари Салиев Валерий, касбилиқ фермер Насрулла Худойбердиев, яккабоғлик «Турон-Бунёдкор» қурилиш компанияси раҳбари Эркин Тўхтаев ва уларга ўхшаган юзлаб фермерлар, хусусий тадбиркорларнинг фидокорона меҳнатлари ким учун? Албатта, ўзлари, қолаверса, халқ, эл-юрт учун. «Тома-тома кўл бўлур», дейишади ўзбеклар. Бутунги Қарши шаҳрининг жамоли, одамлар ҳаётидаги фаровонлик, улар руҳиятидаги маънавий кўтаринкилик ана шундай реза-реза томчилардан бунёд бўлган...

Маҳобатли Оқсарой кишини, яъни киндик қони тўкилган, аجدодлари ётган ота юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамни ўз мақсад-муддаолари, ҳаётдаги вазифаси ҳақида жиддий ўйлашга ундайди ва Президентимизнинг: «Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмо-

ний камолотига бевосита боғлиқ. Бу, ўз навбатида, ҳар бир юртдошимизнинг зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Ва ҳар қайси фуқаро ўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараққий топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига кўтарилишидан манфаатдор бўлиши шубҳасиз», — деган сўзларини ёдга солади.

— Биласизми, Ватан равнақи йўлида олиб борилган ишларнинг катта-кичиги бўлмайди, ҳаммаси ҳам улуг иш саналади, — дейди Нормурод Оллоёров, — 1987 йил май ойининг бошида икки қулоқ бўлиб қолган гўзани совуқ уриб кетди. Нима қиламиз яшириб, гўзанинг аҳволини биров билди, биров билмади. Район раҳбарларидан ҳали ҳеч ким далага етиб бормаган бир пайтда Ислон Абдуганиевич «Гува-лак» хўжалигининг даласида турибман, деб қўнғироқ қилдилар. Бу ватанпарварликми ёки бошқами? Кимдир айтиши мумкин: ҳа, энди раҳбарнинг иши шу-да, деб. Ўшандай деган одамга жавобим шуки, жуда кўп раҳбарларни кўрганмиз. Кабинетдан чиқмай, ҳақиқий аҳволни билмай буйруқ беришарди. Улар деҳқон нима билан нафас оляпти, ҳаёти қандай кеча-

ётганидан беҳабар ўтишди. Натижада нафақат Қашқадарёда, балки бутун республикадаги қишлоқлар файзсиз, қақраб ётган чулу биёбондан фарқи қолмай қолди, деҳқоннинг эса қосаси оқармай ўтди. Ўшанда Ислон ака гўзага қараб туриб, бузиб қайта экмасак бўлмайди чоғи, нима дейсизлар, деб сўрадилар. Биз нима дердик, бузмай тек қўйсак, кетган уругни ҳам оқламайди, бузсак яна харажат... Мен сизларни тушуниб турибман, деди Ислон ака яна бизга юзланиб. Харажатларни захирадан қоплаймиз. Бузиб, қайта экамиз, деб яна қайтардилар. У киши айтгандай қилдик. Вақтида чора қўрилгани боис ўша йили Косон тумани 70 минг тонна пахта берди.

– Яна бир гапни айтай, – дея давом этади Нормурод ака. – Бир кун йигилиш чақирилди. Зал тўла одам. Ёдимда йўқ, ўшанда райком секретари Бегматовмиди ёки бошқамиди, хуллас, котиб минбарга чиқиб маъруза қила бошлади. Маъруза рус тилида бўлаёттанди. Шунда Ислон Абдуганиевич, уни тўхтатиб, «Кўряпсизки, ўтирганларнинг ҳаммаси ўзимизнинг юртдошларимиз, шундай бўлгач, ҳеч иккиланмай ўзбек тилида гапираверинг», – дедилар. Залда ўтирганлар бу гапдан кейин қарсак чалиб юборишди... У пайтлари ҳали компартиянинг пичоғи кесиб турган эди. Мана шундай бир

корхоналар дирекцияси (ДСП-7) бошлиғи Борис Моисеевич Танецни ҳузурига чорлаб Қарши шаҳри марказига қандай қилиб сув олиб келиш мумкин, деб сўрадилар. Бу саволга иккала раҳбар ҳам елка қисиб жавоб беришди. Бундай «жавоб»дан зардаси қайнаган Ислон ака уларга: «Ўйланглар, кейин менга айтасизлар» деб ҳузуридан чиқариб юборди. Эртасига яна шу масалани кўтариб, бошқа мутахассисларни ҳам қабул қилди ва ўзининг таклифини айтди. Таклиф оддий ва бажарса бўладиган эди: магистрал каналга насос ўрнатиб, сувнинг маълум қисмини шаҳарга оқишидан иборат эди. Ун йиллар мобайнида ана шундай озгина ҳаракат билан бажариладиган иш ҳам қилинмаган. Оқибатда баҳор ойларида у ербу ердан оқиб келган тошқин сувлар билан намланиб қолмаса, бошқа олти ой ёз шаҳарнинг чанги кўтарилиб, қуриб-қақшаб ётар эди. Албатта, бунинг ўзига яраша сабаби бор. Магистрал каналдан оқаётган сув одамлар учун эмас, пахта учун оқарди. Ундан бир томчи ортиқча олган одамнинг боши кетиши мумкин эди. Каналдан сувни тортиб олар экан, Ислон Абдуганиевич бу ерда ҳам барча нарса аввало инсон учун хизмат қилмоғи лозимлиги ҳақидаги эзгу гоёсидан келиб чиққан эди. У кишининг «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган

сўзлари ўша пайтлариёқ амалиётга татбиқ этилганининг исботи бу.

Афтидан, бу борада бошқа бир суҳбатдошимиз, умри мироблик билан ўтган, ўша йиллари вилоят сув хўжалиги бошқармаси бошлиги бўлиб ишлаган Муҳаммади ота Рўзиевнинг хотираларисиз рисоламиз кемтик бўлиб қолади. Вилоятда Муҳаммади отанинг биргина «Эҳ-ҳе» деган сўзи афсонага айланиб кетганининг гувоҳи бўлдик. Сўраб-суриштириб «Эҳ-ҳе» деган сўзни қаерда ва кимга айтганининг тагига ҳам етдик. Маълум бўлишича, Ислом Каримов вилоятга биринчи раҳбар бўлиб келгандан кейин бир мажлисда Қашқадарёни ривожлантириш, унинг келажаги ҳақида Муҳаммади акадан сўраганда: «Қашқадарёми, эҳ-ҳе, нимасини айтай» деган эканлар.

Бу ҳақда Муҳаммади отанинг ўзи шундай дейди:

– У киши менга биринчи бўлиб сўз бериб, аҳволлар қандай деганда, мен Ислом аканинг кириш сўзида айтган фикрларини маъқуллаб «Қашқадарёнинг келажаги эҳ-ҳе», дедим. Бу билан вилоятнинг ғалласи ҳам, ер ости қазилма бойликлари ҳам, пахтаси ҳам кўп, демоқчи эдим.

У киши вилоятга келиб биринчи қилган иши халқнинг «бир жойдан иккинчи жойга борсанг, бозори билан мазорини кўр» деган ақидаси-

дан келиб чиқиб, ободончилик билан қизиқди. Қарши шаҳри худди қадимги карвонсаройларни эслатарди. Жуда тартибсиз, кўримсиз, боши-учи йўқ эди. Биринчи қилган ишлари ана шу шаҳарнинг асосий бозорини қайта қурдирдилар. Бу ерда арзончилик бўлсин, одамлар эмин-эркин бозор қилишсин, деҳқонлар сиқилиб қолмасин, дедилар. Кейин, бизда битта жаҳон бозори бор. Бу – Чиялидаги бозор. Шу бозор ҳам ёзда жазирама, қишда изгирин бўлиб ётарди. Унинг ҳам тез вақт ичида усти ёпилиб, тартибга келтирилди. Яна Шаҳрисабздаги Чорсу бозори, Қамаш, Гузор ва бошқа бир қатор район марказларидаги бозорлар қайта қурилди, ободонлаштирилди.

Қишлоқ халқини нима боқади? Албатта, ер. Ўша йилларга келиб вилоятда 50 минг гектар ерни қамиш, ёввойи ўт-ўланлар босиб кетган, 60 минг гектар ер эса кучли шўрланган эди. Бу муаммоларни ҳал этмасдан туриб, ҳосилдорликни кўтариш ҳам, халқнинг турмушини яхшилаб ҳам бўлмас эди. Шу боис ерларнинг мелиоратив ҳолатини тузатиш янги раҳбарнинг диққат марказида бўлди. Экинлар экишни эрталатди. Районларда ички ва ташқи коллекторлар бор. Ўша пайтлари ички коллекторларни тозалаш учун давлат пул ажратмас эди. Шунда Ислом ака мутахассисларга қараб, ахир ички

коллекторлар яхши ишламаса, ҳосил қаердан бўлади, дедилар ва ички коллекторларни тозалаш харажатларига ҳам ҳақ тўлашни йўлга қўйдилар. Адашмасам, ҳозирда бутун республика бўйича мелиорация фонди фаолият кўрсатмоқда. Уни ташкил этиш фикри ҳам у кишида ўша йиллари пайдо бўлган.

Қашқадарёда дарёлар кўп. Лекин сув йўқ. Шу боис Ислом ака мавжуд 9 та дарёни бири-бирига қўшди. Етмаганига канал қазилди. Аму-дарёдан чиқадиган сувнинг боши Нишонда, 132 метр баландликка 7 та насос билан кўтариб берилади. Секундига 240 куб метр сув олади.

Кўпинча одамлар кўз ўнгида Қашқадарё деганда ҳудудсиз чўлу саҳролар, шўр босиб ётган шувоқ тепалару, янтоқзорлар гавдаланади. Аслида бундай эмас. Ўша бир пайтлар одам юрса оёғи куядиган чўллар эндиликда бепоён экинзорларга айлантирилган. Айни пайтда бу вилоятда Ғилон, Тошқўргон, Қизилтом каби тоғ ва тоғ олди ҳудудлари ҳам борки, бу жойларда бир марта бўлган ҳар қандай одам яна бир келсам, дейди. Айтишларича, мана шу тоғларни ўрганиб юрган пайтлари Ислом Абдуганиевич ҳам мана шу жойларда бир ҳовли-жой қилишни орзу қилган экан. Аслида ҳам Қашқадарё тоғ ҳудудлари табиатининг гўзаллиги, иқлимининг муътадиллиги, ширин-шакар олмаю

анорлари, сабзавотлари, хусусан, қизил картош-
каси билан машҳур.

– 1987 йилда тоғдан сел келиб қолди, – дей-
ди Муҳаммади ота Рўзиев. – Ўша пайтлари ҳали
«Қалқама» сув омбори битмаган эди. Сувни
ташлаб юборадиган қурилма 4 метр баланд-
ликда эди. Вой-вой, қандай бир хавотирли кун-
лар эди, ўшанда. Агар ҳали битмаган сув ом-
бори ўпирилгудек бўлса, Қашқадарёни-ку қўя
туринг, сув Бухоро вилоятига ҳам зарар етка-
зиши мумкин эди.

Ана шу йиллари Ўзбекистон Сув хўжалиги
вазирининг ўринбосари бўлиб ишлаган Комил
ака Амиров эса бу воқеани шундай эслайди:
«Қалқама» сув омбори Қумдарёга қурилган.
Илгари бу дарё оқиб бориб қумга сингиб ке-
тар эди. Сув келган пайтлари ундан секундига
100 кубгача сув оққан. Кўриниб турибдики,
ушбу сув омбори кейинчалик вилоятнинг энг
катта сув захираларидан бирига айланиши ке-
рак эди. Лекин ўша йиллари мазкур қурилиш
ҳали битмаган бир пайтда тоғдан катта сел кел-
ди. Чораси кўрилмаса, минг азоб билан тикла-
наётган қурилиш барбод бўлиши мумкин. Ис-
лом Абдуганиевичнинг ташкилотчилик маҳор-
рати, ишнинг кўзини билиши ана шундай таҳ-
ликали бир пайтда яна бир марта намоён бўлди.
Вилоятдаги барча қурувчи, раҳбар-мутахассис-

лар, ўнлаб техника воситалари шу ерга келтирилди. Боя Муҳаммади ака айтганларидек, нафақат Қашқадарёнинг, шунингдек, Бухоронинг ҳам катта миқдордаги ҳудуди хавф остида эди. Шунда биринчи раҳбар биз мутахассислар билан маслаҳатлашиб, ташламани 2 метрга пасайтиришга қарор қилди. Бу дегани битиб қолган тўгонга қўйилган ташламани портлатиш дегани эди. Ислон Абдуганиевич ана шундай таҳликали кунларда қашқадарёликлар билан ёнма-ён туриб, табиий офатларни бартараф этишда бош-қош бўлди.

– Билмадим, «Қалқама»даги вазият сабаб бўлдим ёки тоғликларнинг ҳаётини ўрганишга қизиқдим, Ислон ака бир неча кунлар мобайнида бутун Қашқадарё тоғларини УАЗИК машинасида кезиб чиқди, – дея сўзини давом эттирди Муҳаммади ота. – Ўнлаб булоқларнинг сувини бириктириш, бу ерда деҳқончиликни ривожлантириб, боғ-роғларни янада кўпайтиришни маслаҳат берди. Шу тариқа Тамшуш дарёси бўйида 200 гектардан кўп майдонда қизил картошка етиштирадиган массив пайдо бўлди. 400 дан ортиқ деҳқон хўжалиги ташкил этилди. Улар ҳозиргача ҳам фаолият кўрсатиб, ҳам ўзларини боқишяпти, ҳам бозорни таъминлашмоқда. Шаҳрисабз, Китоб, Деҳқонобод тоғларини Ислон ака билан биргаликда мен ҳам

кезганман. Ўша пайтларда у кишининг: «Бу ерларга йўл чиқариб, янада ободонлаштириш, санаториялар қуриш керак» деган гаплари ҳали-ҳали ёдимда. Мана орадан 20 йил ўтиб, темир йўл қурилди. Деҳқонобод калий заводи фаолият кўрсатмоқда. Баъзи кишилар, бир кун келиб Деҳқонободнинг от-уловда зўрга юрадиган тоғлари орасидан поезд, автомобиллар ўтишини ким ҳам ўйлабди, деганларида мен уларга қараб: «Бу ҳақда ўйлаганлар бор эди. Уларнинг биринчиси Президентимиз Ислом Каримов бўлган», дегим келади.

Халқимизнинг яхшидан бог қолади, деган ибратли каломида жуда кўп маънолар мужассам. Жумладан, яхши хотира, одамларнинг ёдида сақланиб қолган ибратли воқеа-ҳодисалар ҳам яхшининг боғидаги умрзоқ дарахтлардан саналади. Оқсарой пойида кезарканман, ушбу муаззам бинонинг ҳар қадамида тарих, ҳазрат Соҳибқироннинг нафаси уфуриб тургандек эди. Бехос хаёлимдан Хоразм ҳокими Юсуф Сўфининг Амир Темурни майдонга чақириб қўйиб, ўзи қалъа ичида беркиниб олгани ва Соҳибқироннинг ўз душманига кўрсатган марҳамати ёдимга тушди. Бу ҳақда «Зафарнома»да шундай келтирилади: «Бу маҳалда Термиздан Ҳазратта янги қовун келтирдилар. Ҳазрат дедиким: «Юсуф Сўфий бизга ўтрув

(қарши) ўлтуруб турур. Бу янги мевадин олтин табак ичра солиб йибарали...»

Ана шундай. Буюк аждодларимиз ўзининг халқини-ку доимо сийлаб келган, аммо душманларини ҳам унутмаган. Бу мусулмон ўзи яхши кўрган нарсасини, бошқа бир мусулмонга ҳам раво кўриши зарурлиги ҳақидаги ҳадиси шарифга риоя қилиш ҳам демакдир. Силайи раҳм, оддий кишиларга марҳаматли бўлиш. Ўзининг меҳнати, ижодий салоҳияти билан кўпчиликка ўрнак бўлган, илм-фанни, ишлаб чиқариш, маданият, маориф ва спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси эвазига кишиларни рағбатлантириш, мукофотлаш Президентимиз учун ҳам хос фазилат. Бу борада, айниқса, мактаб болалари, ёшлар учун кўрсатилаётган гамхўрликлар зиёда бўлмоқда.

– Ислом ака баъзан кишиларнинг кўнглини олиш учун ўзига хос совгалар ҳам қиларди, – деб эслайди Зикриё Асроров. – «Коммунизм» номида хўжалик бўларди. Ўша жойдан ўтаётган эдик, бир одам шляпасини қийшайтирганча, белига носқовоғини осиб олиб сувнинг йўлини тўсаётганига кўзимиз тушди. Ёўзанинг ўша жойи кўллаётган экан. Шунда Ислом ака бояги жойда машинани тўхтатишимни айтдилар. Машинадан тушиб, сувчини чақирдик. Сувчи биз томонга бир қараб, нос кафотди-

да, ишини давом эттираверди. Мен уни яна чақирдим. Шунда сувчи огзида носи билан «Ҳо» деб овоз берди ва яна сувнинг йўлини бир оз тўсиб бўлгач, олдимизга келди. Носни олдимизга келиб тупурди.

– Аҳвол қалай, сув уриб кетибди-ю, – деди Ислон Абдуганиевич бояги одамга қараб.

– Уккагар сувчилар уйига кетиб қолишибди.

– Нега?

– Бригадда тушлик йўқ-да, тушликка кетишган.

– Бригадирнинг ўзи хабар олиб турадими?

– Туради.

– Раис-чи?

– Уям келади.

Шундай деб сувчи яна ишига қайтмоқчи бўлган эди, мен Ислон акани бу одамга таништирдим. У шляпасини қўл учи билан ҳимардида, қайтадан саломлашди ва пахтани дўндирамиз, деди юзи ёришиб. Назаримда унинг ана шу биргина «пахтани дўндирамиз» деган сўзида юрагидаги ҳамма гаплари мужассам эди. Буни Ислон ака ҳам тушунди. Сувчининг олдидан қўзғалиб борар эканмиз, менга қараб, шу одамга бир совга қилайлик, меҳнаткаш, қамсуқум йигит экан, дедилар. «Нима совга қиламиз?» дегандай Ислон акага савол назари билан қарадим...

– Носқовоқ, – деди у киши кулимсираб.

Ростдан ҳам Чиялидан бир чиройли, чарм қопқоқли носқовоқни келтириб, унинг ёнига битта «Урал» мотоциклни қўшиб ўша сувчига кўпчилик олдида топширдик. Ислон Абдуғаниевич ана шундай ишига фидойи одамларни ўзига хос равишда тақдирлаган пайтлари кўп бўлган.

ИСТИҚЛОЛНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Озод Шарафиддинов «Президент Ислом Каримов сиймосига чизгилар» бадиасидаги мақолалардан бирига «Истиқлол меъмори» деб сарлавҳа қўйгани ва бу иборани у халқдан олганини ёзган эди. Дарҳақиқат, ўзбек халқи Президентимизни истиқлолнинг биринчи куниданоқ мустақиллик меъмори сифатида тан олди ва бу ишонч бугунгача ўз мевасини бериб келмоқда. Буни қашқадарёлик оқсоқоллар, фермерлар, ишчилар, мутахассислар билан суҳбатлашганда ҳам яққол ҳис этасиз. Жумладан, гузорлик фермер Ғайрат ака Пўлатов шундай дейди:

– Собиқ совет республикаларининг кўпчилигида ташвишли, таҳликали воқеалар кўп бўлди. Қонли фожиалар юз берди. Бундай талотўмлар айрим жойларда бугун ҳам давом этяпти. Мана шундай бир пайтда республикамизда тинчлик ҳукм сураётгани, барқарорлик мустаҳкам тургани, одамлар эмин-эркин меҳнат қилиб, кечалари оёғини узатиб бема-

лол ухлаётганининг ўзи катта неъмат эмасми? Бундай хотиржамлик ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Бу, аввало, Президентимиз Ислом Каримовнинг мана шу йўлда олиб бораётган тинимсиз меҳнатлари натижасидир. Шукурки, ўзбек халқининг пешонасига Ислом Каримовни Аллоҳнинг ўзи битиб қўйган экан. Мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш, тараққиёт ҳам бўляпти, энг муҳими эл-юртимиз, оиламиз тинч. Шундай пайтда бундан ўн беш – йигирма йил наридаги воқеалар бехос ёдга тушади. Совет замони одамларнинг кўзини оч, ўзини дангаса қилиб қўйган эди. Бировнинг ҳақидан қўрқмаслик, ғаламислик иллатлари илдиз отиб кетганди. Тўкис яшашга уринган одамларни кўролмаслик, маҳаллада ғалва чиқаришга ўрганиб қолган дангаса, ишёқмас кишилар кўпайган эди. Уларнинг аъмоли текин топиб, текин ейиш эди. Айниқса, инсондаги кўролмаслик қусури наинки ўз атрофидаги кишиларга зиён-заҳмат етказди, айти пайтда жамият осойишталигига, равнақига ҳам хавф солади. Буни шахсан менинг ўзим танамдан ўтказганман. Районимиздаги бир-иккита игвогар мени аввал қаматишмоқчи бўлишди, ишхонамга комиссия устига комиссия келди. Аммо ҳеч нарса топишолмади. Кейин улар ўзимни заҳарлашди. Аллоҳга шукур шифокор-

тилар, уни лойиҳалаш, сметалаш билан ҳам ви-
лоят раҳбарлари эмас, керакли ташкилотлар
шугулланган. Яна бир сабаби, ҳамма қурилиш-
лар типовой лойиҳада олдиндан тасдиқланган
тартибда олиб борилган. Ислон Абдуганиевич
раҳбар бўлиб келгач, шаҳарда бўладими, қиш-
лоқда бўладими қурилиши мўлжалланган ҳар
бир объект биринчи раҳбарнинг назоратида
бўлди. Шу тариқа индивидуал лойиҳа, кўка-
ламзорлаштириш, кўп қаватли уйларнинг фа-
садларини кўримли қилиш, ташқи деворларга
ранг бериш каби янгиликлар шаҳар қурили-
шига татбиқ этилди. Олдинлари кўп қаватли
уйларнинг ташқи деворлари оҳакланар эди.
Уни ҳар йили 2–3 марта янгилаб туриш керак
бўларди. Ташқи қопламаларга ранг берилгач
эса, бунга ҳожат қолмади. Шу йилларда қурил-
ган ўшандай уйлар ҳозиргача турибди. Ислон
Абдуганиевичнинг қурилиш ишларига бу да-
ражада қизиқиши сабабини эса кейин бил-
дик.

– Шаҳарда «Фирма-хизмат» қуриладиган
бўлди, – дейди Норқул Эшонқулов. – Лойиҳа
ўша-ўша типовой. Шунда мен лойиҳани ўзгар-
тириш мумкинлиги тўғрисида таклиф айтиб,
ўз лойиҳамни тақдим этдим. Унга кўра, бино-
нинг асосий «қовургалари» ўзгартирилган эди.
Кўпчилик ҳамкасбларимиз лойиҳа бу шаклда

ўзгартирилса, томни кўтаролмайди, деган фикр-ни билдиришди. Ушбу баҳс-мунозара биринчи раҳбарнинг хонасида бўлаётган эди. Шунда Ислон Абдуганиевич мен қайта ишлаган лойиҳани қўлга олди-да, ўйланиб қолди ва шу боланинг гапларида жон бор, келинглار, шу лойиҳа асосида қуриб кўрайлик, деб менга ишонч билдирдилар. Кейин, столи тортмасидан Москвада ва бошқа жойларда, жумладан, ўзимизда ҳам чоп этиладиган архитектура билан боғлиқ бир даста журналлар, газета қирқимлари, турли эскизларни олдимизга чиқариб қўйдилар.

– Мана, ўқинглар. Архитектура – санъат. Бу соҳа билан доимий равишда шугулланиш лозим. Янгиликлардан ортда қолмаслик керак, – дер экан, Ислон ака «Қаршииндустрия» ташкилотининг бошлиги Неъматилла Шукуров ҳамда шаҳар бош архитектори Ҳабибулла Қаюмовга қараб: «Бу йигитни, яна бир кишини қўшиб Москва ва Таллинга жўнатинглар, у жойдаги қурилишларни кўриб, малакаларини ошириб қайтишсин», деб қўшиб қўйдилар. Ушанда ҳатто дунёга танилган эстониялик Аду Эгей деган архитекторнинг исмини айтиб, ўша одамга бориб учрашасизлар, – деди Ислон Абдуганиевич.

– Шундан кейин биз аввал Москвага, ке-

ФАРИШТАНИНГ ОМИНИ ЁХУД КУЧЛИ ИРОДА

Қулай шарт-шароитлар туфайли имкониятлар тугилгач, айрим ривожланаётган давлатлар бир неча ўн йил ичида юксак тараққиётга эришган мамлакатларни ҳар жиҳатдан қувиб етиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Буни Япония, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур мисолида кўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг совет кишанларидан қутулганига эса бор-йўғи 20 йил бўляпти. Бу тарихий нуқтаи назардан жуда ҳам қисқа муддат. Аммо ана шу тарихан қисқа бир даврда, Президентимиз таъбири билан айтганда, мамлакатимизда советлар жорий этган маъмурий-бўйруқбозлик тизимига барҳам берилди. Миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари бир-биридан ажратилди. Ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди. Иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди.

Мустабид тузум боис пахта яккаҳокимлигига маҳкум этилган, юз йиллар давомида хом ашё базасига айланган, нафақат қишлоқлари, аynи пайтда одамлари ҳам тўкилиб қолган, ер майдонлари шўрдан, қаровсизликдан ҳориган мамлакатни қисқа фурсатда бутун дунё ҳам-жамияти бораётган йўлга олиб чиқиш осонми ёки қийин? Буни мен ҳам шу пайтгача билмас эдим. Буни Сиз ҳам, азиз ўқувчи билмасдингиз. Чунки, биз давлат бошқарувида қатнашиб кўрмаганмиз. Бизга бирор ишни қийин дейишса, қийин деганмиз ва аксинча. Мана энди, мустақил бўлгач, теvarак-атрофимизга синчиклаброқ қараяпмиз. Фикрлашни ўрганияпмиз. Давлатни бошқаришнинг қийинлигига ҳам ақлимиз етгандек. Айниқса, асосий ишлаб чиқариш, бошқарув кадрлари ўша собиқ тузум даврида тарбияланган, ўқиган ва меҳнат қилган бўлса. Собиқ тузум тарафдорлари эндигина атак-чечак қилиб келаётган давлатда миллий низолар, ақидапарастлик асосида тўполонлар келтириб чиқарганда давлатни бошқариш янада қийинлашишини ҳам ўз танамиздан ўтказдик. Эски технологияни ёмонлайдилар. Агар мамлакатда ўша эски технологиянинг ўзи, асоси ҳам бўлмаса-чи? Давлатни бошқариш, янги иқтисодиётни йўлга қўйиш қандай бўлади? Албатта, жуда қийин бўлади!

Президентимизнинг ўша биз сўз юритаётган Қашқадарёдек улкан вилоятдаги фаолиятдан бошлаб то шу кунга қадар амалга оширган барча ишларини – республика аҳолиси фаровон ҳаёт кечириши йўлида тунларни тонгларга улашини, ўзбек халқини, Ўзбекистонни жаҳонга танитиш учун юртимиздан минглаб чиқарим наридаги давлатларга сафар қилишини ўйласак, мамлакатни бошқариш нақадар қийин иш эканини юракдан ҳис этамиз.

Беихтиёр қашқадарёлик оқсоқол Мукаммал Мираковнинг сўзларини эслайман:

– Ислом акаси мен республикани тасаввур этолмайман. У кишининг БМТнинг мажлисидаги сўзларини айтинг. Қўшни республикада бир қардош иккинчи қардошини ўлдириб, уйига ўт қўйиб турибди-ю, аммо бирон-бир халқаро ташкилот бу ҳақда лом-мим демади. Фақат Ислом Абдуганиевич ана шу юксак минбардан биринчи бўлиб бундай хунрезликка чек қўйилишини, бўлиб ўтган воқеалар халқаро комиссия томонидан текшириб ўз баҳосини олиши зарурлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, оқсоқол айтган ана шу халқаро минбаргача қанча-қанча изтироблар, қанча-қанча баҳс-мунозаралар, кескин тортишувлар бўлмагандир. Аммо ҳеч қачон иккиланиш бўлган эмас. Фақат олға қадам қўйилди. Қисқа

фурсат ичида сиёсатда, иқтисодда бутунгидек ютуқларга эришганимизнинг боиси ҳам аслида Президентимизнинг ҳал қилувчи дамларда кўрсатган жасорати, ўзбек халқининг ўзи танлаган йўлдан ҳеч бир иккиланишларсиз бошлаб бораётганида бўлса керак. Ахир мустақилликдан юз йиллар ўтиб ҳам ривожланиш йўлига чиқа олмаган мамлакатлар дунёда камми? Ўзбекистон эса тарихан жуда қисқа муддатда ўзининг тараққиёт моделини ярата олди. Фалсафа фанлари номзоди, Қарши Давлат университетининг доценти Абдурахим Эркаевнинг бу ҳақдаги фикрлари диққатга сазовор. Тараққиётнинг ўзбек модели ва миллий гоямизни шакллантириш, дейди олим, уларнинг асосий тамоиллари ва тушунчаларини белгилаш Президент Ислон Каримов назарий ва амалий раҳбарлик фаолиятининг энг ёрқин чуққиларидан биридир.

Шуларни фикр қиларканман, хаёлимда қашқадарёлик кекса фаоллардан Январ ака Иноятонинг шундай сўзлари жонланди:

– Халқимизнинг «Фаришта омин деган» мазмунидаги ибораси бор. 1988 йилда вилоят раҳбари томонидан Деҳқонобод райониға биринчи котиб этиб тайинландим. Бу пайтға келиб Ислон Абдуганиевич ташаббуси билан бир қатор районларда газлаштириш ишлари бош-

лаб юборилганди. Ана шу ишлардан улги олиб, йиғилишлардан бирида Деҳқонобод тумани қишлоқларини ҳам газлаштириш масаласини ўртага ташладим. Ушанда мажлис аҳлидан би-ров: «Ҳали паровоз ҳам сўрарсиз» дея киноя қилгани ҳали-ҳали эсимда. Бу гапдан тутақиб кетганимни кўрган вилоят раҳбари «Январ ака, хафа бўлманг, газ ҳам, паровоз ҳам бўлади» деб лутф қилганди. Қачон Деҳқонободда қурил-ган темир йўл ҳақида сўз кетса, ўша воқеа эсимга тушади.

Албатта, фаришталар ҳар доим ҳозир. Бун-га шак-шубҳа йўқ.

Аммо, бундай катта қурилишларни бошлаш ва ниҳоясига етказиш учун яхши ният ва ҳатто маблағдан ҳам ташқари мамлакат раҳбарига хос кучли ирода керак эди.

– Ислон Абдуганиевич ўзидаги ана шу иро-дани яна бир бор кўрсатди, – дейди фикри-мизни уққандай Январ ака. – Тошгузор–Бой-сун–Қумқўргон темир йўл қурилиши теварак-атроф қишлоқларнинг ҳам кўркини, ҳам ҳаёти-ни тубдан ўзгартириб юборди. У орқали ҳудудга индустриал ишлаб чиқариш, замонавий тех-нологиялар кириб келмоқда. Деҳқонободда йилига 200 минг тонна калий ўғити ишлаб чи-қарадиган завод қурилиши ниҳоясига етказил-ди. Бугина эмас, темир йўл бўйлаб қурилган ва

қурилажак ўнлаб корхоналар, инфратузилма объектлари ерлик аҳолини иш билан таъмин-лашда асосий омил бўлмоқда.

Январ аканинг бу фикрларини Қашқадарё-даги «Шўртангазкимё» мажмуаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ ва Шўртан компрессор станциялари ва яна ўнлаб бошқа саноат корхоналарига ҳам татбиқ этиш мумкин.

Яна бир қувонарли ҳол – вилоят қишлоқ хўжалиги ва саноатида бир пайтлар Президен-тимиз бош-қош бўлиб бошланган ислохотлар-нинг изчил давом этаётганлигидир. Бугунга келиб бу соҳадаги ишларни ёшлар қўлга олишди. Яккабоғ туманида ташкил этилган «Турон – Бунёдкор» қурилиш-инжиниринг компанияси раҳбари Эркин Тўхтаев, Касби туманидаги «Юрт ризқи» масъулияти чек-ланган жамият раиси Насрулло Худойберди-евлар ана шундай Қашқадарё тажрибасининг ҳақиқий ворислари сифатида майдонга чиқ-дилар. «Турон–Бунёдкор» компанияси ҳар қандай замонавий бино ва турар жойлар учун қурилиш материаллари ишлаб чиқаради ва ўзи қуради. «Юрт ризқи»да эса ўндан ортиқ сут ва гўшт маҳсулотлари тайёрланади. Корхона бинолари ва транспортларида шу ерда ишлаб чиқарилган биогаздан фойдаланилади.

Қашқадарёда, хусусан, Қарши шаҳрида мустақиллик арафасида ва ундан кейин барпо этилган юзлаб корхоналар, турар жойлар, маданий-маиший иншоотлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Энг муҳими буларнинг барчаси эл учун, юрт учун қилинмоқда. Масалан, Қаршидаги «Оналар ва болалар» спорт мажмуасини олайлик. Бу ерда хотин-қизлар ва болали аёлларнинг спорт билан шугулланиб саломатликларини тиклаши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Футбол, баскетбол, каратэ, гимнастика ва бошқа кўплаб спорт турлари билан шугулланиш мумкин. Машгулотга келган болали аёл қўлидаги ёки етовидаги фарзандини мажмуа ичидаги болалар хонасига топширадию, ўзи қизиққан спорт тури билан бемалол шугулланаверади. Болалар эса тарбиячилар назоратида бўлади.

Ана шундай шарт-шароитлар туфайли вилоятда катта футбол, мини ва пляж футболи бўйича бир неча марта Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган Олия Аҳмедова каби спортчилар сафи тобора кенгаймоқда. Қашқадарё спортининг жаҳон миқёсидаги нуфузи ошмоқда.

Нафақат спортда, шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам вилоятда аёлларнинг мавқеи баланд. Вилоятнинг бугунги юксалишида уларнинг ҳам ҳиссаси катта. Жумладан, ёзувчи Шарофат

Ашурованинг дастлабки ҳикоя ва очерклари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида дунё юзини кўрган эди. Шарофатхон бугунга келиб ўзбекнинг катта ёзувчисига айланди. Ўнлаб китобларнинг муаллифи. Унинг кейинги йилларда чоп этилган «Насаф тажассуми», «Яхшилар тажаллиси» каби бадиий-публицистик китоблари қалбларга фикр уругини экади. Қашқадарё ва унинг беназир одамлари, уларнинг ўй-кечинмалари, баъзан голиб, баъзан мағлуб, гоҳи хушнуд, гоҳи маҳзун дамлари ҳақидаги ҳикояларини ўқиб киши ўйга толади.

Қарши шаҳрида аёллар футболи бўйича бўлиб ўтган халқаро учрашувдан сўнг Эрон Республикасининг «Snensa Saver» аёллар футболи жамоаси бош мураббийи Газзол Шарифийнинг «Дарё» газетасига берган интервьюсини ўқиб қувондим. «Жамоамиз Иордания ва бошқа давлатларда ўтказилган халқаро турнирларда совринли ўринларни қўлга киритган, — дейди хорижлик спортчи аёл. Қаршига келган илк кунимдан буён юртингиз одамлари феълини ва аёллар футбол клуби учун яратилган шарт-шароитларни улар билан қиёсламан. Ер билан осмонча фарқни кўраман. Ҳавасим, ҳайратим ортади. Шу ҳисобда турнир юқори савияда ташкил этилди. Гарчи, голибликни қўлга

учун бундай оммавий оромгоҳ ўзига хос ҳодиса бўлган.

Қаршининг 2700 йиллиги муносабати билан эса Қашқадарёда яна бир мумтоз, ҳеч қаерда кузатилмайдиган ёдгорлик қад кўтарди. Бу Қарши шаҳрининг марказига ўрнатилган «Эл-юрт таянчи» монументи бўлиб, ўзбек оиласига қўйилган муаззам ҳайкалдир. Тантанада нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ушбу ёдгорликни шундай изоҳлаган эди:

«Минг йиллар олдин мана шу мўътабар заминда иддиз отиб, Оллоҳнинг марҳамати ва неъмاتي, ўзининг оғир ва машаққатли меҳнати билан шу юртни обод этган, ҳаётни тебратган – бу инсон ва бу инсонни тарбиялаган оила ва халқдир. Биз ана шу эзгу гояни томирлари теран ва бақувват, ҳар қандай сурон ва тўфонларга бас келиб, енгилмасдан яшаб келаётган азамат ва қудратли халқимиз ҳаётининг негизи бўлмиш оддий ўзбек оиласи тимсолида ифода этишга қарор қилдик».

«Эл-юрт таянчи» монументига бундан ортиқ, бундан мазмунли ва моҳиятан чуқур изоҳ бериб бўлмайди. Биз фақат шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, Ислом Каримов монумент ҳақидаги ўз гоясининг тугал амалга ошишини доимий равишда кузатиб борди. Ҳайкал пойидаги, ўзи айтмоқчи, бамисоли ҳаёт гарди-

ши каби шиддат билан айланиб, замон, давр-нинг тинимсиз ўзгариб туришини англатиб турувчи тегирмон тоши одамда чуқур таассурот қолдириши, монументда ифодасини топган сиймолар ўз қадди-қомати, чеҳра ва қиёфалари билан айнан Қашқадарё воҳасида яшайдиган одамлар бўлиши лозимлигини такрор-такрор уқтиришдан, лойиҳа ва эскизларни қайта-қайта кўришдан чарчамади. Эзгу гояни амалга ошириш учун инсон қалби ҳам эзгу мақсадларга эш бўлиши зарурлигини мана шу монумент тикланиши мисолида ҳам кўриш мумкин.

ЮРАККА ТУШГАН ЎТ

Аввалбошда, Озод ака (раҳматлик устозимизни билган каттаю кичикнинг аксарияти у кишига ўзларини яқин олиб фақат исми билан аташган) ҳақида. Озод Шарафиддинов – Ўзбекистон Қаҳрамони, XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср боши ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан, адабиётшунос ва таржимон. Адабиёт ва ҳаёт ҳақидаги юзлаб мақолалар, ўнлаб китоблар муаллифи. Жаҳон адабиётининг энг сара роман, қисса, ҳикоя ва адабий-танқидий, публицистик асарларини ўзбек тилига ағдарган. Жумладан, бир учрашув сабаб рус мумтоз ёзувчиси Лев Толстойнинг «Иқрорнома»сини ҳам ўзбекчага Озод ака ўтирган.

«...Бундан бир неча йил муқаддам, – деб ёзади Озод ака «Иқрорнома»нинг ўзбек тилида чоп этилган нусхасидаги сўнг сўзида, – биз бир гуруҳ ижодкорлар Қашқадарё вилоятидаги Муборак газни қайта ишлаш заводига бордик.

Чўлу биёбоннинг қоқ ўртасида эртаклардаги паҳлавонлардек қад кўтарган улкан иншо-

отни айланиб чиқдик. Заводнинг қурилиши анча аввал бошланган бўлса-да, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон мустақиллик касб этгандан кейингина қурилиш ниҳоясига етибди, завод тўла куч билан ишлай бошлабди. Бунини қарангки, у ўзининг кўлами ва қудратига кўра бутун дунёдаги энг етук ўн та газни қайта ишлаб чиқувчи заводнинг бири бўлиб қолибди».

Озод ака шу тариқа Қашқадарёнинг улкан саноат гигантларидан олган таассуротлари ҳақида гапириб, бу ерда меҳнат қилаётган муҳандислар, раҳбарларнинг нафақат ўз соҳалари бўйича, айти пайтда инсон ҳаётининг азалий муаммолари, унинг яшашдан мақсади каби масалаларда, Лев Толстой асарлари, жумладан, унинг «Иқрорнома»сининг адабий-бадий кўлами хусусида мулоҳаза юритишларидан танг қолади ва шундай дейди: бир замонлар «дод саси» келган Қарши чўлининг қоқ ўртасида қад кўтарган том маънодаги замонавий саноат корхонаси етакчиси «Иқрорнома»дан баҳс юритар экан, демак, ўзбек зиёлиларининг бугунги тафаккурида муайян силжишлар рўй берган экан-да! Улар ҳам умумжаҳон тафаккурининг орбитасида ўз ўринларини излай бошлабдилар-да! Бутун инсониятни жавоб излашга мажбур қилиб келган, ўйлашга, баҳс юритишга,

изланишга ундаган «малъун саволлар» эндиликда ҳамма ўзбек зиёлиларини бўлмаса ҳамки, айримларининг олдида кўндаланг бўла бошлабди-да! Ахир бунга қувонмасдан бўладими?

Озод аканинг қувонишлари асоссиз эмас эди. Орадан кўп ўтмай қашқадарёлик ижодкорлар, нафақат ўз элини, айти пайтда Италия, Франция, Бельгия, Германия ҳамда қатор Ҳамдўстлик мамлакатларидаги нуфузли доираларни ҳам танг қолдирдилар. Бу юксалиш, масалан, Қашқадарё вилоят «Эски мачит» театр студияси ижодкорлари тимсолида намоён бўлди.

– 1987–1989 йиллар вилоятда нафақат иқтисодий ва ижтимоий соҳада бурилишлар юз берди, – дейди «Эски Мачит» театр студиясининг бадий раҳбари Исоқ Тўраев, – айти пайтда маданиятимиз, хусусан, театр санъати ривожига ҳам ўзгаришлар пайдо бўлди. Ўша йиллари биз бир гуруҳ ёш санъаткорлар Тошкент театр ва рассомлик институтини тамомлаб М. Тошмуҳамедов номидаги вилоят театрига ишга келдик. Улар орасида бутунги кунда элимиз назарига тушган Зулайҳо Бойхонова, Фатхулла Мақсудов, Абдугани Рўзиев каби санъаткорлар бор эди. Биласиз, ўша йилларда ўзини англаш, ўз халқининг тарихига, аجدодларимиз яратиб кетган маданий меросига қизиқиш, умуман тарихий ва маънавий қадриятларни

қайта кўриб чиқишга интилиш кучайди. Одамлар, жумладан, ёш ижодкорлар тафаккуридаги бундай сифат ўзгаришлари табиийки, алоҳида кишилар, жамоалар ўртасида қарама-қаршиликларни ҳам келтириб чиқарди. Жумладан, биз театрга келгач, албатта, ёшларга хос шижоат билан ишга киришдик. Ўн йиллар мобайнида театрда юзага келган тургунлик кайфиятларини, асарларни саҳналаштиришдаги қолипларни, бир хилликни танқид қила бошладик. Бу борада ўз таклифларимизни театр раҳбарияти олдига қўйдик. Албатта, бундай «ўзбошимчаликлар» театрнинг бир қатор кекса актёрларига ҳам, айрим раҳбарларга ҳам ёқмади. Натижада, баҳс-мунозаралар, келишмовчиликлар содир бўлди. Олти ойлаб мажлисбозлик қилинди.

Охир-оқибат театрда юз бераётган баҳс-мунозаралардан вилоятнинг биринчи раҳбари Ислом Абдуганиевич Каримов ҳам хабар топиб, бизни ҳузурига чақирди. Театр артистлари билан бўлган 3 соатлик йигилиш ҳамма нарсани ўз ўрнига қўйиб қўйди.

Биз ёшлар бугунги театр санъати қандай бўлиши лозимлиги, ўзимизнинг режаларимиз ҳақида сўзлаб бердик. «Мулоқот» ёшлар театри тузмоқчи эканимизни ҳам билдирдик. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, Ислом Абдуганиевич ўшан-

олиб кетилади. Хўш, нега энди шунча бойлик-ни тайёрлаб бераётган корхонанинг ишчи-хизматчилари ҳолидан ҳеч ким келиб хабар олмайди? Ислон Абдуганиевич, айниқса, мана шу табиий бойликнинг нақ устида яшаётган, унинг қонуний эгаси бўлган Қашқадарё вилояти қишлоқларининг атиги 4 фойизигина газлаштирилгани мутлақо номақбул ҳол эканини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, у киши биз қазиб олаётган табиий газ таркибида катта миқдорда этан ва пропан каби қимматбаҳо моддалар мавжуд эканига барчамизнинг эътиборимизни қаратди. Ҳозирга келиб ўйлаймиз: ўша пайтларда бу моддалардан ўринли фойдаланиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаганми ёки бунга тузум йўл қўймаган эдими? Жавоб эса шундай: бунга тузум йўл қўймаган эди. Собиқ Иттифоқ раҳбарияти бу моддалар асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишини, яъни Ўзбекистонда хом ашёни қайта ишлаш саноати вужудга келишини истамаган эди. Бу долзарб масала Ислон Каримов томонидан Марказда ўтирган, бу соҳага бевосита жавобгар бўлган мутасадди раҳбарлар олдига кўндаланг қўйилгани, аммо ижобий жавоб олинмаганидан ҳам буни билса бўлади. Бироқ Ислон Абдуганиевич шу билан тўхтаб қолмади. Унинг қалбидаги мана шу юртга нисбатан меҳр-муҳаббатнинг чексизли-

ги, жасоратининг кучи ўзи тўғри деб билган ишини амалга ошира олишида ҳам кўзга ташланади. Ўшанда ҳам Марказдан арзирли имдод бўлмагач, вилоят раҳбаримиз «Шўртаиғаз» корхонасининг бош муҳандиси Олег Блюмберг, Руслан Абдуллаев, Эркин Вагапов ва Ўктам Эшмуродов каби қатор етакчи мутахассисларни йигиб, уларга шу соҳага доир дунё тажрибасини, энг мукамал технологияларни атрофлича ўрганиб чиқиш, кейин тегишли таклиф тайёрлаш ҳақида топшириқ берди. Ўшанда у кишининг «Ишончингиз комил бўлсин, биз бу масалани албатта ечамиз» дегани ҳамон ёдимизда. Бугун барчанинг ҳавасини келтириб турган, дунёда ўхшаши кам бўлган замонавий Шўртангазкимё мажмуи ана шу катта ишонч ва уни рўёбга чиқариш йўлидаги амалий ҳаракатлар маҳсулидир, десак виждонга мос гапни айтган бўламиз. Фақат, у кишининг эзгу мақсадлари рўёбга чиқиши учун бирмунча вақт керак бўлди ва бу олижаноб ният истиқлол йилларидагина амалга ошди.

Ўрни келганда биз яна бир ҳақиқатни айтишимиз жоиз. Ислон Абдуганиевич вилоятдаги ёшларни – қўлидан иш келадиган тадбиркор ва ишбилармон, қобилиятли йигит-қизларни гоят қадрлар эди. Бекорга у киши бугун ҳам Амир Темурнинг ишёқмас минг кишидан бит-

олиб кетилади. Хўш, нега энди шунча бойлик-ни тайёрлаб бераётган корхонанинг ишчи-хизматчилари ҳолидан ҳеч ким келиб хабар олмайди? Ислом Абдуганиевич, айниқса, мана шу табиий бойликнинг нақ устида яшаётган, унинг қонуний эгаси бўлган Қашқадарё вилояти қишлоқларининг атиги 4 фоиизигина газлаштирилгани мутлақо номақбул ҳол эканини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, у киши биз қазиб олаётган табиий газ таркибида катта миқдорда этан ва пропан каби қимматбаҳо моддалар мавжуд эканига барчамизнинг эътиборимизни қаратди. Ҳозирга келиб ўйлаймиз: ўша пайтларда бу моддалардан ўринли фойдаланиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаганми ёки бунга тузум йўл қўймаган эдими? Жавоб эса шундай: бунга тузум йўл қўймаган эди. Собиқ Иттифоқ раҳбарияти бу моддалар асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишини, яъни Ўзбекистонда хом ашёни қайта ишлаш саноати вужудга келишини истамаган эди. Бу долзарб масала Ислом Каримов томонидан Марказда ўтирган, бу соҳага бевосита жавобгар бўлган мутасадди раҳбарлар олдида кўндаланг қўйилгани, аммо ижобий жавоб олинмаганидан ҳам буни билса бўлади. Бироқ Ислом Абдуганиевич шу билан тўхтаб қолмади. Унинг қалбидаги мана шу юртга нисбатан меҳр-муҳаббатнинг чексизли-

ги, жасоратининг кучи ўзи тўғри деб билган ишини амалга ошира олишида ҳам кўзга ташланади. Ўшанда ҳам Марказдан арзирли имдод бўлмагач, вилоят раҳбаримиз «Шўртангаз» корхонасининг бош муҳандиси Олег Блюмберг, Руслан Абдуллаев, Эркин Вагапов ва Ўктам Эшмуродов каби қатор етакчи мутахассисларни йигиб, уларга шу соҳага доир дунё тажрибасини, энг мукамал технологияларни атрофлича ўрганиб чиқиш, кейин тегишли таклиф тайёрлаш ҳақида топшириқ берди. Ўшанда у кишининг «Ишончингиз комил бўлсин, биз бу масалани албатта ечамиз» дегани ҳамон ёдимизда. Бугун барчанинг ҳавасини келтириб турган, дунёда ўхшаши кам бўлган замонавий Шўртангазкимё мажмуи ана шу катта ишонч ва уни рўёбга чиқариш йўлидаги амалий ҳаракатлар маҳсулидир, десак виждонга мос гапни айтган бўламиз. Фақат, у кишининг эзгу мақсадлари рўёбга чиқиши учун бирмунча вақт керак бўлди ва бу олижаноб ният истиқдол йилларидагина амалга ошди.

Ўрни келганда биз яна бир ҳақиқатни айтишимиз жоиз. Ислом Абдуганиевич вилоятдаги ёшларни – қўлидан иш келадиган тадбиркор ва ишбилармон, қобилиятли йигит-қизларни ғоят қадрлар эди. Бекорга у киши бугун ҳам Амир Темурнинг ишёқмас минг кишидан бит-

буюк жасорат бу маънавий жасорат, деб ер юзида қанча инсон, қанча тақдир бўлса, ҳар бирининг ўз маънавий олами борлиги, маънавийтни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш кераклиги хусусида баҳс юритганлар. Ана шу эзгу хулосалардан келиб чиқадиган бўлсак, ривожланиш босқичлари ҳам, эришилаётган муваффақиятлар ҳам, одамларнинг қувончу ташвишлари, бир сўз билан айтганда, бутун ҳаёт инсон маънавиятининг даражаси билан боглиқ эканини кўрамиз. Изла-нишларимиз асносида биз келган энг асосий хулоса шуки, ҳурматли Юртбошимиз яратган Қашқадарё мактаби чуқур маънавий мезонлар асосига қурилган бўлиб, у бутунги кунда бутун республика миқёсида тажрибадан аъло даражада ўтди ва олга томон тараққий этмоқда.

ХОТИМА

Ушбу рисолаи якунлар эканман, ўйлаб қолдим: мана шундай масъулиятли мавзуда – 20 йиллик қисқа фурсатда собиқ СССРнинг фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, асосан пахта етиштирувчи, ҳар жиҳатдан иқтисодий қолдиқ принципи асосида таъминланувчи бир республикани саноати, қишлоқ хўжалиги тараққий этган, одамлари фаровон турмуш, фуқаролик жамияти қуриш йўлида бунёдкорлик ишлари билан банд бўлган, тинч ва барқарор ривожланиб бораётган мустақил мамлакатга айлантира олган йўлбошчи фаолиятининг бир неча йиллик даври ҳақида бўлса ҳам сўз юритишга маънавий ҳаққим борми? Ўзим қўйган бу саволга ўзимча жавоб ҳам топдим: мана шу қадим юртнинг бир фарзанди сифатида, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мамлакатда юз бераётган ҳар бир ўзгариш, инсонлар тафаккуридаги, маънавиятидаги ўсиш-улғайишларни кузатиб борган, Президентимизнинг мамлакат тараққиёти ва ривожланиши йўлида олиб борган ички ва ташқи сиёса-

тини элу халқ ўртасида таргиб этиш ишида баҳоли қудрат иштирок этаётган оддий бир журналист сифатида ўйлайманки, бунга ҳаққим бор.

Зотан, Президентимиз сўзлари билан айтганда, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олаётгани – бундай натижаларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини бутун ҳаммамиз чуқур англаяпмиз.

Балки кимлардир мустақилликка осон эришгандир, аммо бу неъмат ўзбек халқига қимматга тушган. Бу йўлда кўплаб буюк аллоларимизнинг, оддий кишиларнинг қони тўкилган, Чор ҳукумати, большевикларнинг ҳибсхоналарида суяклари чириган. Биз бир нарсани – озодлик учун курашган ўша жўмардлар нафақат ўз шаҳар ва қишлоги, балки бутун Туркистоннинг мустақиллиги йўлида курашганини унутмаслигимиз керак. Шу боис ҳам мустақиллик берган ҳар бир имконият, ҳар бир ютуқ биз учун қадрли.

Албатта, тарих учун йигирма йил – киприк қоққудай гап. Аммо ана шу қисқа давр мобайнида республикамизда сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида амалга оширилган ишлар кўлами юз йилларга татиғуликдир.

Советларнинг бюрократик тўсиқларига қарамай, Президентимиз раҳбарлигида 1986–1989 йилларда Қашқадарёда инсонлар ҳаётини янгидан изга солиш, миллат руҳиятига тоза куч бағишлаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги ҳикояларни тинглар эканман, кўз олдимга кейинги йигирма йилда бутун республикамизда қилинган ишлар, қурилган йўл, кўприклар, завод-фабрикалар, турар жойлар, энг муҳими, халқимизнинг тинч, осойишта кечаётган кундалик ҳаёти бир-бир ўтади. Ҳолбуки, бундай барқарор, бунёдкор кунларга эришиш осон бўлгани йўқ. Ҳар жиҳатдан фаровон турмуш шароитини, бутун мамлакат миқёсида эртанги кун ишонч билан қаршиланадиган ҳолатни вужудга келтириш учун мамлакат Раҳбари бирор кунни шунчаки ўтказиши мумкин эмаслигини билангина билди...

Инсон доимо ҳаракатда, изланишда. Мана шу ҳаракат, тинимсиз изланиш сабаб қишлоқларимиз чирой очиб, шаҳарларимиз кенгаймоқда. Аҳоли сони ҳам табиий равишда йил-

дан-йилга ошиб боряпти. Бу шароитда мамлакатни ички – ҳудудлараро ҳамда хориж давлатлари билан боғловчи йўллар муаммоси ўртага қалқиб чиқади. 90-йилларданоқ Президент Ислон Каримов «Ўзбекистон денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмайди, бу эса ташқи иқтисодий фаолият имкониятларини чеклайди» дея огоҳлантирган ва мазкур муаммони ҳал этишга киришган эди. Жумладан, Европа ва дунё бозорига олиб чиқувчи ҳамда бевосита мамлакатимиз иштирокида бунёд этилган Тошкент – Сарахс – Машҳад темир йўлининг 1996 йилда ишга туширилгани айна муддао бўлди. Мазкур йўл дунёга чиқишда Транссибирь магистралига нисбатан ҳам қулай, ҳам қарийб бир ярим минг километр яқиндир.

1995 йилда эса мамлакатимизда яна бир улкан йўл қурилишига киришилди. Бу Қамчиқ довони орқали ўтадиган Фарғона йўлини қайта қуриш эди. Қамчиқ довонининг ўзигина қарийб 80 километр масофани ташкил этади. Биргина ана шу жойда жами 19 миллион куб метрга яқин тупроқ ишлари бажарилди, 300 га яқин сунъий иншоотлар яратилди. Бугунга келиб Тошкентдан Фарғона, Андижон, Наманганга бориш бениҳоя қулайлашди. Бир пайтлар довондан ўтиш 3–4 соатга чўзилган бўлса, эндиликда узоғи билан бир соат вақт кетяпти. Бу

мамлакат миқёсида автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш борасидаги битта мисол, холос. Бундай янги қурилган йўл ва кўчалар, кўприклар Тошкент шаҳрининг ўзидагина юзлаб километрни ташкил этади.

«Тошгузар – Бойсун – Қумқўргон» темир йўли қурилиши эса мамлакатимизда «Аср мўъжизаси» деб ном олди. Тарихий маълумотларга кўра, қадимда Буюк Ипак йўлидан юрган карвонлар Дарбанд, Чак-чак довони орқали ўтган. Бугун бир пайтлар ёлғизоёқ йўл бўлган ана шу жойлардан темир йўл ўтказилиб, кўприклар солинди. Амир Темур номи билан боглиқ «Темур дарвоза»га яқин жойда поездлар ўтиши учун улкан ер ости йўли – тоннель барпо этилди. Бир суҳбатдошимиз айтганидек, «Бу йўллар шунчаки манзилларни манзилларга уламайди, улар хайр-барака ҳам олиб келади. Умумий узунлиги 223 километрлик ушбу мўъжиза Сурхон ва умуман мамлакат иқтисодига катта наф келтирмоқда. Бу биринчи галда Президентимиз Ислон Каримовнинг хизматидир».

Рисолага материал йиғиб юрарканман, суҳбатдошларим Президентимиз билан бўлган учрашувлари ҳақида ҳис-ҳаяжон билан сўзлашар экан, ҳар гал ҳаёлимдан ўзимнинг ҳам Юртбошимиз билан учрашган, суҳбатлашган пайтим бўлгани ёдимга тушарди. Мустақилликнинг

иккинчи йили эди ўшанда. Алгов-далгов пайтлар эди. Қайта қуришнинг «бетга чопар» шамоллари тинмаган эди. Бундай шамолларга тик қараладиган, акс ҳолда, бошқа жойлардагидек, Ўзбекистонда ҳам талотўп бошланиб кетиши мумкин бўлган замонлар эди. Президентимиз ана шундай ножоиз, бемаврид турган шамолу бўронларга тик туриб, уларни бардош билан енга олганига бутун халқ гувоҳ бўлиб турган даврлар эди.

Ўшандай кунларнинг бирида янги нашр – «Ватан» газетаси таъсис этилди. Газетага мен бош муҳаррир этиб тайинландим ва шу муносабат билан Президентимиз қабулида бўлдим. Ислом Абдуганиевичнинг менга берган биринчи саволини ҳам бугунгидай эслайман:

– Газетангизнинг номи жуда улуг. Бу номни қандай оқламоқчисизлар?

Бу саволдан бир оз ўзимни йўқотдим чоғи, орага сукунат чўқди. Менинг ҳаяжонда эканимни сезган Ислом Абдуганиевич сўзини давом этди:

– «Ватан» сўзи чиройли, айти пайтда масъулияти ҳам огир сўз. Афсуски, бу сўзни жуда кўп қўллашади, аммо унинг нақадар залворли эканини, у ҳақда гапирганда чуқур масъулият билан сўзлаш зарурлигини ҳар доим ҳам ҳис этавермайди кўпчилик. Бу борада, айниқса, журналистлар қайгуриши, баландпарвоз, чучмал, ўқувчини чалгитадиган фикрлардан эҳ-

тиёт бўлишлари лозим. Чунки матбуот – қудратли куч. Бугунги кишилар буни чуқур ҳис этишади. Ким нима деса, десин, лекин менинг назаримда, матбуот етти ўлчаб бир кесиши лозим. Айниқса, халқаро муносабатларда, одамларнинг фаолиятига, ўзаро алоқаларига баҳо берганда инсон шаъни, нафсонияти каби туйғулар ҳам борлигини унутмаслик лозим.

Шундан кейин Президентимиз янги газета аҳолининг тадбиркорлар ва ишбилармонлар қатламини қамраб олар экан, сохта тадбиркор билан ҳақиқий тадбиркорни яхши ажратиб олиши зарурлиги, ҳақиқий тадбиркорлик ҳам Оллоҳ берган неъмат эканини, уларнинг мамлакат ривожига аҳамияти катталигини айтганлари кечагидек ёдимда.

Шунингдек, Президентимиз бошқа мавзуларда, жумладан, жойларда ислохотларнинг жуда секинлик билан амалга оширилаётгани, ўша пайтдаги айрим раҳбар кадрларнинг уқувсизлиги, бурни кўтарилиб кетгани, халқ билан ишлашда тажрибасизлик қилишаётгани, мавжуд порахўрлик, сансалорликлар, одамларнинг турмуши, уларнинг яшаш шароитлари билан кам қизиқишаётгани ҳақида эслатиб, газета бу нарсаларга ҳам эътиборни қаратиши лозимлигини уқтирдилар. Ҳозир, орадан яқин йигирма йил ўтгач, ўйлайман: «Ватан» газетасига

юқори доираларда таниш бўлмаган бир журналист бош муҳаррир этиб тайинланибди, деганларига қарамай, у киши мени қабул қилдилар. Нега? Менинг назаримда, бу ҳол Президенти-миз одамларни табақага ажратмай, ҳаммага бир хил назар билан қараганидан. Иккинчидан, у киши ўз келажагини матбуотда деб билган журналистлар, радио ва телевидение ходимлари ҳар доим қўллаб-қувватлашга муштоқ эканлигини чуқур ҳис этганидан бўлса керак.

Ана шу суҳбатдан кейин ҳам турли учрашув ва мулоқотларда Президентимизни яқиндан кузатдим. Айниқса, Қашқадарё бўйлаб қилган сафарларимда у кишининг мазкур вилоятда биринчи раҳбар бўлиб ишлаган йилларидаги фаолияти ҳақида кўп яхши гапларнинг гувоҳи бўлдим. Ушбу рисолада келтирилган айрим суҳбатлар 5–6 йил нарида бўлиб ўтгани ҳам шундан. Ўшандай мулоқотлар чоғида Президентимизнинг бу вилоятда ишлаган йиллари ҳақида бир рисола ёзиш нияти пайдо бўлган эди. Ана шу ниятим буюк истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида амалга ошганидан бахтиёрман.

МУНДАРИЖА

I. Оққан дарё оқаверади	3
II. Қашқадарё мактаби: сабоқ ва тажрибалар	21
«Йиғлай-йиғлай тўнлар тикканман»	21
III. Донишманднинг тандири	38
Оқсарой пойида	55
Истиклолнинг тамал тоши	74
Фариштаннинг омини ёхуд кучли ирода	88
Муҳаббатта ва оилага қўйилган обида	97
Юракка тушган ўт	102
Хотима	117

ЁҚУБЖОН ХЎЖАМБЕРДИЕВ

ОЙНИНГ ЁРУҒ КУНЛАРИ

Тошкент «Маънавият» 2011

Муҳаррир Р. Қўчқоров

Мусаввир Н. Попов

Мусаҳҳиҳ О. Бозорова

Компьютерда тайёрловчи Ш. Соҳибов

Босишга 10.07.2011 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108/11. Baltica гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 6,72. Нашр т. 7,84. 1000 нусха. Буюртма № 1708А. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй.
Шартнома 47–11.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. 100083.
Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2011.

УДК: 32(575.1)(092) И. Каримов
63.3 (5Ў)8

X98 Хўжамбердиев Ёқубжон.

Ойнинг ёруғ кунлари / Ё. Хўжамбердиев.
— Т.: «Маънавият», 2011. — 128 б.

УДК: 32(575.1)(092) И. Каримов
ББК 63.3 (5Ў)8 + 63.3 (5Ў-4 Қашқадарё)